

**НОДИРБЕК АЛИМБЕКОВ**


**БИР КАМ ДУНЁ**

**Шеърлар**

**ТОШКЕНТ**

**Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти**

С (Кирг.)  
A 50



Алимбеков Н.

Бир кам дунё: Шеърлар/Сўз боши: С. Жусуев.— Т.: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1998—168 б.

Нодирбек Алимбековнинг шеърлари халқ термаларига ўта яқин, оҳангдош бўлгани учун ҳам куйлар бастала-ниб ёлнинг назарига тушган ижодкордир.

С (Кирг.)

4702300200—14

A — қатъий буюртма, 1998.  
M352(04) — 98

ISBN 5-635-01678-2

© Нодирбек Алимбеков, Faafur  
Ғулом номидаги Адабиёт ва  
санъат нашриёти, 1998 й.  
(Тарж).

## ШОИРНИНГ ШЕЪРИЯТ БОҒИ

Ардоқли ўзбек китобхонлари!

Қўлингиздаги ушбу шеърий тўплам таниқли қирғиз шоирни Нодирбек Алимбеков қаламига мансуб. Шоир асти Манаснинг ватанин Таласда туғилган. Тошкентдаги ёнгил саноат институтини битиргандан кейин, Уш шаҳридаги тўқимачилик ва ипак комбинатларида ишлади. Айни вақтда у Қора болта шаҳридаги «Қирғизигилам» комбинатини бошқариб келаётир. Бозор иқтисадига ўтиш муносабати билан қораболталик гиламдўзлар билан ўзбекистонлик ёнгил саноат ходимлари, хусусан сунъий тола бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг алоқалари бирмунча кучайди. Бу ўз навбатида икки халқнинг амалдаги дўстлик ришталарини мустаҳкамламоқда.

Нодирбек Алимбеков учун бадиий адабиёт севимли соҳа. У ҳаётини шеърсиз, ўласиз тасаввур қилолмайди. Бўш қолди дегунча қувоҷа ва дардини қоғозга тўқади. Институтда ўқиб юрган чоғларидаёқ бадиий ижод билан изчил шуғулланарди. Ушдаги тўқимачилик комбинатига келгач, ҳаёт мактаби бўлажак шоирни ҳар тарафлама тоблади. Узи севгаш каеби бўйича малака ошириди, машқлари янги мазмун кашф этди. Қисқаси, ишчи шоир тиниб-тинчимади. Лавозим эса шеъриятга монелик қилмади. Нодирбекнинг бирин-кетин китoblари нашр этилди. Шоир ўз машқларидан бирида қайд этганидай:

Армоним йўқ — талай-талай иш бажардим,  
Армони кўп — сал кечикиб шоир бўлдим.

Иқтидорли шоирнинг «Қизил четни», «Сўнгсиз умр», «Гулнинг умри», «Кўйланиб битмас муҳаббат» ва «Бир кам дунё» сингари қатор китоблари ўз ўқувчиларини топди. Нодирбекнинг асрлари айни вақтда бошқа тилларга ҳам ўғирилмоқда. Шу кунга қадар унинг шеърий тўпламлари рус, қозоқ, уйғур, турк ва инглиз тилларида нашр этилди. Ўтган йили эса Алиқул Усмонов номидаги адабий мукофотнинг лауреати бўлди.

Нодирбек Алимбеков ўзбек китобхонларига ҳам яхши таниш. Унинг «Гулнииг умри» деб номланган тўплами Рафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босилиб чиққан. Шоирнишг бу янги китобидан одатдагидек икки халқнинг қон-қардошлигини улуғловчи машқлари, ёр ва днёр васфи ўрин олган. У ўзбек ва Қирғиз элишинг агадин дўстлигини қўйидағича таърифлайди:

Кийик мисол сакраб тоғу тошлардан,  
Дала-тузни гўзал қилгани нур дарё.  
Ризқи-рӯзнинг омилкори ўзингсан,  
Ялакатсан — Норин дарё, Сирдарё.  
Мен шеъримни битганни йўқ бекорга,  
Келиб қолди, дўстлар, гапнинг хонаси,  
Турмуш тарзи бир-бирига омухта,  
Икки дарё икки халқнинг онаси.

Мен шоирнишг талабчан ўзбек ўқувчиларига тақдим этилаётган мазкур тўпламини мевали чорбоқقا менгзайман. Зотан Нодирбекнинг боғида битган турфа хил шеърлар дилингизга бир қадар илиқлик бағишиласа ажаб ёмас.

Совранбой ЖУСУЕВ,  
Қирғиз республикасининг халқ шоири

## ТАСВИР

Чизмоқ бўлсанг она юртим тасвирин,  
Яйловларни бўлсин сенга зэр ҳатим.  
Тоғ гулидан ранг танлагин, боиси,  
Гул бўёғин ўчмаслигин пайқадим.

Унга қўшиб ўт-оловли умрингни  
Омухта қил муҳаббату дилингни  
Ва йўғиргин уни юрак қонинг-ла,  
Сингиб кетсин жўмардлиги Элингни.

Байроқ қилиб алп Манаснинг шуҳратин,  
Унга қўшгин Тўқтағулнинг сатридан.  
Иссиқкўлнинг бешик-бешик тўлқини,  
Арслонбобнинг арча, ёшсан атридан.

Киндик қонинг томган тупроқ ҳурмати,  
Улкан бурчин ўз зиммангга ортасан.  
Шундагина Олатоғнинг келбатин  
Анча-мунча тасвирини тортасан.

## ЯРАТГАНГА ИЛТИЖО

Юртнинг посбои сарвариб  
Ургилайин, Олатогим.  
Иссиқкўлнинг қўриқчиси,  
Зўр таянчим, сара тоғим.

Садқа бўлай бир умр  
Бойликка коп даласига.  
Кўз тегмасин, илойим,  
Бишкекдайин қалъасига.

То тирикман шу юртга  
Фидо бўлгай жону таним,  
Олатогим, Иссиқкўлни  
Ўзинг сақла, яратганим.

## ХУДО БЕРСА

Унгайми ўттиз ёшни худо берса,  
Ингирма бешни унга улай берса.  
Кузакнинг олма бўйли тунларида  
Ушбу ёш олтин экан сўрай берса.

Қимматми қирқ деган ёш худо берса,  
Қийинми сулув бўлиш чирой берса.  
Яйловнинг атири исли ҳавосидай,  
Ешлик бу — энг соз экан сўрай келса.

Ҳаётнинг тамал тошин санай берса,  
Тақдирим мени қанча синай берса.  
Чиниқиб довон ошган арғумоқдай,  
Тотлидир эллик ёшни худо берса.

Элатим борга-йўқقا чидай келса,  
Кексалар фарзандидан убай<sup>1</sup> кўрса.  
Ўлимнинг иложи йўқ, демак, дўстлар,  
Умрнинг кўркин очиб улай берса.

Буёни яшамоққа йил, ой берса,  
Бир минг ой — саксон тўрт йил худо берса.  
Инсоннинг асилиги юксакланиб,  
Ҳаромнинг туви шураб қулай берса.

---

<sup>1</sup> Убай — роҳат-фароғат.

## **СУВ ВА ИМОН**

Сувлар оқса майса униб, чим босар,  
Күн қиздирса дарё қуриб, қум босар.  
Имон эса аҳилликнинг асоси,  
Имон кетса юртни қайғу-мунг босар.

Ёнғир ёғса ўзан яшиаб, мол бўлар,  
Сув қуриса кўл қовжираб, шўр бўлар.  
Имон келса қут-барака кўпайиб,  
Имон кетса бечора эл хор бўлар.

Оби ҳаёт она ерга қоп демак,  
Сув тугаса кунпаякун жон демак.  
Одамлардан имон қочса агарда,  
Бу аслида қўш сёкли мол демак.

## **БИР ШАЙТОН...**

Үтган кунинг оққан сувдай бир чайқам,  
Қелажак күн улашилган минг арқон.  
Арқон тугаб, сувлар тинса, ўлым ұақ.  
Ұлмайдиган бир оллоқдир, бир шайтон.

Чолиб жетди үтган умр шоштириб,  
Қелар куним орзу, тилак яхшилик.  
Орзуларнинг қанотида ниҳоят.  
Үлғаямиз умидларга бөш уриб.

Үтган кунинг ёзувлари манглайда,  
Гоҳи заҳар, бол томизиб танглайга.  
Келар кундан пешонамга баҳт тилаб,  
Пок ниятнинг шукуҳини англай-да.

Оз эмасдир үтганларнинг армони,  
Қуриб битган не инсонлар дармони,  
Авлодларга жанг-жадалсиз күн қолиб,  
Осойишта, чексиз бұлса ҳар они.

Үтган кунинг оққан сувдай бир чайқам,  
Келгуси күн улашилган минг арқон,  
Арқон тугаб, сувлар тинса, ўлым ұақ.  
Ұлмайдиган бир худодир, бир шайтон.

## **ОҚИБ ТУРГАН СУВ ДУНЁ**

Олтин бешик кенг дунё,  
Хар бандага тенг дунё.  
Тұқис әмас бу жаҳон,  
Аслида бир кам дунё.

Күзи тұққа бор дунё,  
Ичқорага тор дунё.  
Гул умрни яшнатиб,  
Әниб турган шам дунё.

Бахти борга нур тұқкан,  
Бойқұшларға йүқ дунё.  
Шоир зотин аслида,  
Шеърдан хұнгли тұқ дунё.

Гоҳо ғаріб, гоҳида  
Мұл-күл дунё, бой дунё,  
Тирикликка күч беріб,  
Порлаб турган ой дунё.

Олишганда қув дунё,  
Оқибатсиз қув дунё.  
Аэрүй-азал саросар,  
Оқиб турган сув дунё.

## **ҚҰНГИЛЛАРНИ РАНЖИТМАЙ**

Бу дунёда шодлик зарур күлмоққа,  
Тинчлик керак ҳаёт гаштын сурмоққа.  
Севги даркор бир умрга сұлмаган,  
Боғлар лозим мутлақ хазон бўлмаган.

Йўллар керак, тоглар керак кўк ўпар,  
Ҳаво лозим энг беғубор шу нафас.  
Умр зарур ҳамда керак сергаклик,  
Инсон гўё бу ҳаётда чўпу-хас.

Дўстлар, санаб ўтдим ҳаёт муждасин,  
Балки бу ҳол жуэзини нуқсоним маним.  
Лек уларга юрак зарра ачишмас,  
Не қилурман сенсиз қолсам, Ватаним?!

## ДҮСТЛАРИМ

(Тошкентда бирга ўқиган тенг-тӯшларга)

Едингииздан чиқмадими. дўстларим,  
Бу шаҳарнинг нону-тузин еганмиз.  
Талабалик гаштин суреб, азиzlар,  
Келгусининг ғам-ташвишин деганмиз.

Студентлик «олтин даврим» деганда,  
Тенг-тӯшларим ниятига етишди.  
Шаҳар кўрган, уддабурон парилар  
Айримларни лақиллатиб кетишли.

Ўз ишига пишиқ бўлган ошналар  
Беҳудага ўтказмади вақтини.  
Ҳар ким бўлгай ниятига яраша,  
Хизматдан топди кўплар баҳтини.

Ўйлаб кўрсам, азиzlарим, дўстларим,  
Эллинка ҳам етиб қопти ёшимиз.  
Менга ёдгор Сиздан тотли хотира,  
Қайда бўлса омон бўлсин бошимиз.

Бқадан қолгай одамийлик, яхшилик,  
Кажрафторнинг ишлари кўп аломат.  
Тенг-тӯшларим, қай диёрда юрмайлик.  
Бўлингизлар доим соғу-саломат.

## **НОРИН ДАРЕ, СИРДАРЁ**

Кийик мисол сакраб тоғу тошлардан,  
Дала-түзни гүзәл қилган нур дарё.  
Риэки рўзнинг омилкори ўзингсан,  
Ялакатсан — Норин дарё, Сир дарё.

Ужар Норин Сирдарёга айланар  
Шаҳанд билан Ахсикентнинг сўнгидаги.  
Водий узра олтин белбоғ гўёки,  
Шарбат битар қирларида — дўнгига.

Обу-ҳаёт тирикликнинг асоси,  
Қўш дарёнинг суви ҳар дам бор бўлсин.  
Меҳри улкан қирғизимга ўзбекнинг  
Омон бўлсин, пирлар мададкор бўлсин.

Мен ўланни битганим йўқ бекорга,  
Келиб қолди, дўстлар, гапнинг хонаси.  
Турмуш тарзи бир-бирига омухта,  
Икки дарё икки халқнинг онаси.

## ТОШКЕНТИМ

Үқиб, билим олгани  
Тошкент сари отландим.  
Ишим келиб ўнгидан,  
Шодландим, қанотландим.

Марказий Осиёниң  
Зўр таянчи — бош шаҳрим.  
Қўйнингда топдим камол,  
Омон бўлгин, Шош шаҳрим.

Дош қозонда ош тайёр,  
Нон юртисан азали.  
Ихлос билан ўқийман  
Мир Алишер ғазалин.

Чорак аср, ажабо,  
Тошкент сари чопаман.  
Устозларни кўрганда,  
Дилдан таскин топаман.

## ЧИРОҚ БҮЛИБ...

(Шарифахонга)

Ұымаган умидларға чироқ бўлиб,  
Үксиган тилакларға иноқ бўлиб  
Кетмайди кўз ўнгимдан тотли дамлар,  
Дуч келмасин ҳеч кимга фироқ бўлиб.

Кўксимда парпираган ёғду бўлиб,  
Тарнинг акс-садосидек «ё ҳув» бўлиб  
Иложим йўқ нетайки олисадасан,  
Қўлга тушмас жайрон бўлиб, оҳу бўлиб,

Суманим, дийдорингга тўймас бўлдим,  
Утда ёнмас, оловда куймас бўлдим.  
Тақдир экан, айро тушди йўлимиз,  
Суратингни қўлимдан қўймас бўлдим.

## УШ

Меванғин узиб эмас кураб ейман,  
Шарбати зам-зам суви, жаннат дейман.  
Дастурхон тўлиб-тошган ажаб, сархил,  
Иил бўйи тотсам ҳамки, тугатмайман.

Тоғларинг тиллага бой, симобга бой,  
Пахтага, пиллага бой, кимхобга бой,  
Оқбура белинг узра кумуш камар  
Рости гап бундай шаҳар йўқ ҳойнаҳой.

Бу юртнинг зўр бойлиги одамлари  
Уларнинг қутлув иши, қадамлари.  
Диёрнинг шон-шуҳратин кўтаргувчи  
Меҳнатда чарчоқ билмас баданлари.


Водийда бу жой олтин зирак дейман  
Ўзбек-қирғиз таянч-у тирик дейман,  
Боғ-роғларинг беҳиштинг ўзгинаси,  
Уш шаҳри уриб турган юрак дейман.

## ЖАЛОЛОБОД

Фарғона водийсига олтин жига.  
Бу ерда тўкиниликинг кони бордай.  
Аюбобо юртишинг зурёдларин  
Юраклари покиза оппоқ қордай.

Бу кентнинг бунёдкори — чарогбони —  
Онажоним табиат зукка, уста.  
Тоғ кўксидга тахти равон, атрофида  
Охири — адоги йўқ хандопписта.

Остида Кўгарт дарё кўзи-у қошдай,  
Қорадарё наҳрига бориб етар.  
Наздимда, гулгун шаҳар Жалолобод  
Бағри кенг волидага ўхшаб кетар.



## ЭР ЙИГИТГА

Күнгил ҳуши ҳаволанса,  
Қалбинг ишқдан наволанса,  
Бойлигингдан ўзга ёнса,  
Ҳовлиқмагин, эр йигит.

Тұғон турса, ер юрса,  
Чақиб, чақиб, сел юрса,  
Бир мұхтож қараб турса,  
Белни бөгла, эр йигит.

Доно бұлсанг, фикр қил,  
Олим әрсанг, зикр қил,  
Деңқон бұлсанг, ишлай бил,  
Адашмагин, эр йигит.

Она юртни номусга  
Қолдирмагин, эр йигит.  
Керак бұлса, бошингни  
Ватан учун бер, йигит.

## РАФИҚАМГА

Күнлар ўтар бир-бирини қувалаб,  
Чорак аср куйиб-пишиб, ёнасан.  
Минг бор шукр, тақдиримдан розиман,  
Менга маҳбуб, қизларимга спасан.

Имкон қадар яхшиларга ёндошдик,  
Фисқи-фужур, ғийбат сұзни йүлатмай.  
Вакт югурек, ой ва йиллар бетизғиң,  
Сочимизга қирров құнди сүратмай.

Озға күниб, бозор қилиб борига,  
Сабримизга, ишқимизга юкундик.  
Кециримли, холис бўлдик ҳамиша,  
Үрни келса, уэр сўраб ўтиндик.

Келин олиб, қиз узатдик, азизим,  
Яна қанча довонлардан ошамиз.  
Аттанг дунё! Олис эмас қариллик,  
Била туриб биэ қаёққа шошамиз.

## ШУКРОНА

Яратганим яна берса бахт-толе,  
Оларнидим насибамни оқламай.  
Менинг бахтим — гүзәл ёрим, фарзандым,  
Қутлуғ уйим — бошим узра оқ сарой.

Текин бұлса күнлик нону-насибам,  
Бепул ишлаб, яшаганим маъқулми?  
Кунда уч бор тайин озиқ-овқатим,  
Бунга күнимай, яна деган оқилми?

Инсондаги ақл-ұшу фаросат,  
Тангримиздан марҳамат деб билгайман.  
Хайвон әмас, одам бұлиб туғилиб  
Юрганимга шукроналар қылгайман.

## ОТ СОЛИШМАЙ..

Норасо сүқмоқларни айро қўйиб,  
Олисни, равон йўлни излаб кўрсак,  
Буғуни<sup>1</sup>, сарбағишдан<sup>2</sup> устун қўймай;  
Бир ота фарзандидай сизлаб кўрсак.

Орага йўқ нарсадан девор уриб,  
Яшасанг, Иссинкўлга кел дейлик-чи.  
Қирғизнинг уруғини сурнштирмай,  
Булар ҳам кўп қатори эл дейлик-чи.

Хусусан қалам аҳли, аэн дўстлар!  
Манасни Толаслик деб айриб бўлмас.  
Беҳудага лоф урманг минбарларда,  
Чунки этни тирноқдан қайриб бўлмас.

Оти ҳам бир, эоти ҳам бир ўшликни,  
Шимолликлар, беҳудага бўлмайлик.  
Олатогни олтovга тақсим қилмай,  
Қўшнилардек иноқ яшаб кўрайлик.

Эл ишончин ардоқлайлик, ҳокимлар,  
Тарафкашлик ботқоғига чўкмангиз.  
Сохта обрўй, мансаб — амал талашиб,  
Қирғизларнинг номус-орин тўкмангиз.

От солишимай қурултойда, йиғинда,  
Энг аввало ақлимизни пешлайлик.  
Бўзага, шаробларга қўймай ружу,  
Белни боғлаб, деҳқонлардек ишлайлик.

---

<sup>1</sup> Буғу — қирғиз уруғлари.

<sup>2</sup> Сарбағиш — қирғиз уруғлари.

## УХШАЙДИ

Кўзларинг сим-сиёҳи қора тунга ўхшайди.  
Табассуминг, кулганинг гўё гулга ўхшайди.  
Қора тун қароғидан излагайман, дилбарим,  
Шуъласи Асқар тоғдан теккан кунга ўхшайди.

Юришинг ҳам аслида машқларимга жойланар,  
Бирор кун учратмасам, ҳатто йилга айланар.  
Чигиллашиб хаёлим, ўзлигимни унутиб,  
Кокилларинг йўлимда бир тушовга айланар.

Ахир кимдан яширай, бир ўзингга хуморман,  
Емон кўздан асровчи кўксинг узра хуморман,  
Қафасдаги лочиндек ҳаприқади юрагим,  
Жазманларинг сафида якка-ёлғиз мен борман.

Рашк балоси мисоли азозилга ўхшайди,  
Истиғнолар олдида жоним филга ўхшайди.  
Эй санам орзуларим туш бўлиб қолмасайди,  
Бахт сўзининг залвори тошдек зилга ўхшайди.

## **ЭРКА БҮЛСАМ...**

Эрка бүлсам, онам ортиқ сүйгандир,  
Шұхлик қылсам, отам сұқмай юргандир.  
Лоқайд бүлсам, ҳар қадамда қамчи еб,  
Ота-онам иомус қилиб турғандир.

Бойқуш бүлсам, бошга тушған армандир,  
Ботир бүлсам, орияту, эрк бордир.  
Теккан бүлса бирор нағым Сизларга,  
Әнг муҳими, менға олқыш қолғандир.

Одам бүлмоқ бу инсоний фарзимдир,  
Қилған ишім — сиyrатимдир, тарзимдир.  
Әлатимнинг бир корига асқотиш —  
Бүйнімдаги әнг муқаддас қарзимдир.

## ОРИЯТ

Ұғыл дейсан, қыз боладан яхшими?  
Қыз буюммас қирқ йилқига сотгудай.  
Қалининг соғын сиғир, құй олиб,  
Қаймоқ билан мойга ботиб ётгудай.

Шириң-шакар қизларим күп, ёронлар,  
Буёғидан бадавлатман, бардам мен.  
Қиздан яқин меҳрибон йүқ отага,  
Бахтиёрман кечә-кундуз, ҳар дам мен.

## АЖРАШМОҚЛИК

Ажрашмоқлик одатмиди, салтимиidi?<sup>1</sup>  
Оғир касал ё юқумлы дардими?  
Үз ҳолинча күн үтказған одамга —  
Аёлгами, эркакками шартмиди?

Ажрашмоқлик оппа-осон бизларда,  
Нуқта қўйиб тўйда тотган тузларга.  
«Тирик етим» тамғасинни босгаймиз  
Гуноҳи йўқ қанча-ўғил қизларга.

Айб кимда, куёвдами, ёрида?  
Қизиқмаймиз, тушмагаймиз корига.  
Маъно шедир бу дунёда яшашдан,  
Дор қўимасин элнинг номус-орига.

---

<sup>1</sup> Салт — русум.

## АҲИЛЛИК

Минг шукрки, эр-хотин  
Апоқ-чапоқ аҳилмиз.  
Некин топсак — ўртада,  
Мен, сени йўқ дахлсиз.

Ўст-бошимни ҳозирлаб,  
Кам-кўстимни тузатар.  
Оқ йўл тираб фарзандлар,  
Кулиб-яшаб кузатар.

Қайтган чоғим сафардан,  
Ўйда шодлик, тантана.  
Дастурхон атрофида  
Ҳамжиҳатмиз биз яна.

Ўйда бўлса тотувлик,  
Бахт дегани шу балким.  
Мен кўпларнинг бириман,  
Шодмон бўл, она халқим.

## ҚИШЛОГИМ

Она қишлоқ — овулым  
Олис әмас Толасдан.  
Рұхан мадад оламан  
Буюк бобом Манасдан.

Онажоним хоки ҳам  
Шу тупроққа қоришган.  
Фотиҳаси туфайли,  
Келажагим ёришгап.

Қайда бұлмай, ҳамиша,  
Талпинаман шу ёққа.  
Арчазор орасыга  
Турна күэли булоққа.

## КҮПЧИЛИК

Тома-тома күл бұлади, бу бор гап,  
Эл билади шоир билан баҳшини.  
«Халқ дарәдир, халқ уммондир, халқ деңгиз»,  
Үз бағрида сақлар ёмон, яхшини.

Бирлик кетса, туганмаган шүри бор,  
Яқдил бұлса, ўта равон йұли бор.  
Бир қам дунә, тенг эмасдир беш панжа,  
Не иложи, бори билан йұғри бор.

Полвоки күп, зуккоси күп, марди күп,  
Оғриғи бор, азоби бор, дарди күп.  
Баъзи бири бургут ясар чумчуқдан,  
Палиди бор, ғубори бор, гарди күп.

Элу жалқа жоним қурбон, садаға,  
Бири бобо, бири момо, оғадир.  
Қуримасин оққан дарә — күпчилик,  
Аҳил бұлсак, кетмас давлат ёғадир.

## ЯИЛОВДА

Бир түп булут келди-ю  
Еңгир ёғди шовуллаб.  
Үфқ орти лоларанг,  
Чүккى ёнар ловуллаб.

Қимиз тұла аәқни<sup>1</sup>  
Ичдім имкон борица.  
Жала тинніб, офтоб  
Күкдан очди дарича.

Танам қизиб, бол қимиз  
Сархуш этди ҳархолда.  
Улоқчи йыгитлардай  
Түп булутлар тарқалди.

Сусамир яйловида  
Завқли ўтар ҳар чоғим.  
Қүшдек енгил бўламан,  
Қолмай зарра чарчоғим.

---

<sup>1</sup> Ероғ коса.

## ЯХШИ ДАМЛАР

Үқиши битгач, күп ўтмай,  
Ишга кираб кетганимиз.  
Юз сүм маош теккан кун,  
Қувониб харж этганимиз.

Уст-бошни-ку танламай,  
Юмуш сари чопардик.  
Фурсатни бўш ўтказмай,  
Меҳнат завқин тотардик.

Бизлар ружу қўймадик  
Ичкиликка, винога.  
Бир айбимиз — шошганимиз  
Учрашувга — кинога.

Учқун чатнаб пошнадан,  
Хизматга тонгдан чопдик.  
Яратганга минг шукр,  
Обрў-эътибор топдик.

## УИ ТАШВИШИ

Еғөң керак, темир керак, тош керак.  
Маблаг зарур, фаросату, бош керак.  
Белни бөглөб лойга тушган пайтингда,  
Оқибатли дүстлар-у, қурдош керак.

Минг бир ташвиш — озиқ-овқат, ион керак,  
Қассобга ёғ, эчкига-чи жон керак.  
Қурган ҳужранг улкан Ватан тымсоли,  
Сенга қувват, устага имон керак.

Үйнің биттаң, демакким рұзғор керак,  
Ош тортасан, иомус керак, ор керак.  
Бешік узра қувнаң алла айтгувчи  
Садоқатли, меңрибон дилдор керак.

## **ГУВОХ**

Үртамиэда шарқираган сой гувох,  
Авжы түлган ўн беш кунлик ой гувох.  
Ұнғай әмас севганини олиб қочиш,  
Бүйдоқ учун ёр сүз берган жой гувох.

Түриқ бедов елиб ўтган шамол гувох,  
Дугонаси — уч-түрт соҳибжамол гувох.  
Айтинг ахир иложи йўқ бечорага,  
Қадди-бастли, қошлари ҳилол гувох.

Тўйга келган ҳамқишлоқлар, овул гувох.  
Сафдошларим, қариндошлар доим гувох.  
Иккимиэга сидқидилдан баҳт тилаган  
Қиблагоҳим — отам билан ойим гувох.

## **МЕҲМОНДҮСТ ОҒАЙНИМГА**

**Айтмасам ҳам феъли тўқ тоғликларим,  
Тортнишиб сен бошингни оғритмагин.  
Ойликка кув ўтказган шаҳарликнинг  
Сўзига қулоқ солгин, ҳовлиқмагин.**

**Элдан ўтган боймисан, очиқ сўйла,  
Эсанкираб юрмаедан пухта ўйла.  
Меҳнатинг топганингдан беш ҳисса оз,  
Кўпчиликнинг мулкига ҳирсинг қўйма.**

**Айримлар умоч, чойга меҳмон кутар,  
Кўнгли очилдастурхон, бағрин тутар.  
Хушомад-чун қўй сўйиб ўтирмасдан,  
Меҳмон учун ҳаттоки оғу ютар.**

**Хазинанг омонатдир қўлингдаги,  
Ниятингдан ошгани — бўлингани.  
Аслида яшай берар сенсиз, менсиз  
Яхши урф, меҳмондўстлик элимдаги.**

## ТҮҚТАҒУЛНИ ХОТИРЛАР

Шум ажал қувиб етмаса,  
Орадан Тұқам<sup>1</sup> кетмаса,  
Күрарди савоб ишларни,  
Арзир дилдан... Эх, деса.

Шеърлари оби раҳматдай,  
Равоңдир Ұзун Ақматдай<sup>2</sup>.  
Кетмоптепа овули  
Еқут күэ забаржатдай.

Күрса күйин саралар.  
Малҳам топған яралар.  
Тұқтағул ГЭСин күргаңда  
Құшиғи нурдек таралар.

Ақси томон келарди,  
Андижон, Ұшин күрарди.  
Олтип құллы деҳқонга  
Юракдан күйлаб берарди.

Бұлсия омон-омона,  
Наълат келсии ёмона.  
Күз тегмасин, илоҳим,  
«Доруlamон замона».

---

<sup>1</sup> Тұқам — Тұқтағул.

<sup>2</sup> Ұзун Ақмат — дарәннинг номи.

## ТҮНГОНИЛАР

Сарық Үзәннинг марказидан жой олган,  
Тунгонларнинг донги кетган қишлоғи.  
Тилдан тушмас серқалампир шұрваси,  
Газзак учун жусай<sup>1</sup> қүшган пишлоги.

Чүй воҳасин ери семиз, сув сероб,  
Овул тоити меҳнат билан ёришар.  
Хөвлисига беда әкиб қирғизлар,  
Тунгонлардан мева сотиб олишар.

Она тупроқ гавҳарин аямас,  
Кимки уни ардоқласа, сизласа,  
Қирғиз эса отдан тушиб қоларми,  
Тунгонлардай меҳнат қилса, ишласа.

Иш бобида ҳеч тенглашиб бұлмайди,  
Деҳқончилік тунгонидан ортмайди.  
Қозопи мой, чүмичи мой ҳамиша,  
Бой-бадавлат қийинчилік тортмайди.

Шу боисдан қондош тунгон қавміда  
Гадойи йүқ, кампирі түқ, өоли түқ.  
Ҳа, улардан подачи ҳам чиқмаган,  
Эңг муҳими, құйлары түқ, моли түқ.

Тунгонилар кетмөн чопиб, тер түкиб,  
Риэқин излаб она ерга ёлишар.  
Танбаллікка күниб қолған қирғизлар  
Тоққа қараб уйқусираб ётишар.

---

<sup>1</sup> Жусай — күккат.

## ОТБОШИ

Бу йил ёзда мақсадимга эришдим,  
Меҳмон бўлиб, дам олдим Отбошида.  
Тўй-тўркин авжидайкан, кунда улоқ,  
Таклифнома қўлимда — хат бошида.

Бир ёни қарағайзор қалин тўқай,  
Сой бўйига тикилган оппоқ ўтов.  
Дўстларим еру-кўкка ишонишмас,  
Миниб тур деб бердилар жийрон бедов.

Қўй-қўзиини кичиклик қиласи деб,  
Той сўйиб, қази билап сийладилар.  
Қўбиэда оҳанграбо куйлар чертиб,  
Уласи айтиб, ёшлари бийладилар<sup>1</sup>.

Феълингдан айланайин, қирғизим-эй,  
Морга ҳам қуллуқ қиласи оқлиқ сочиб.  
Боболарнинг удумини унутмасдан,  
Келганини кутниб олар бағрин очиб.

---

<sup>1</sup> Бийлади — ўйинга тушди.

## ЯХУДИЙЛАР ҲАҚИДА

«...Бизга ўхшаш одам экан улар ҳам,  
Құл-оғи, күзи, қоши, баши бор».  
Ана шундай ажабтовур латифа,  
Янглишмасам, жуҳудларга дахлдор.

Ақли расо, ақыл-иноқ ва зиірак,  
Әнг муҳими, бир-бирини құллайды...  
Ұзгалардан ҳеч ками йүқ қайтага,  
Билмаганга рағбат қилиб, йұллайды.

Даромадға ярашиқдир буромад,  
Әлпикидай меңнат ҳақи, ойлиги.  
Тежогли иш — бежоғллю устивор,  
Шуншыг учун ошиб борар бойлиги.

Бошқалардан неси билан фарқ қиласр?  
Еки найранг бобида илрормиқин?  
Тополмадим, дүстлар, бошқа қиесни,  
Биз билмаган йұл-йұриғи бормиқин?

## ҚИЗЛАРГА НАСИХАТИМ

Сүмбүл соч, қайрилма қош, сипгилларим.  
Сизлар учун қуйидаги шеърві хатим.  
Хаёт йұлы мұраккаб ўнқыр-чұңқыр,  
Бир оғанғиз қатори маслаҳатим:

— Беҳудага чақиб олиб чаёндайин,  
Юрманғиз әрніғізіннің таёғин еб.  
Чинакам уй бекаси бұлсаңғызлар,  
Бошиға күтартуси аёлтім деб.

«Иисоф сари барака» дер момолар,  
Сарсон қыманғ, йұқ нарсани излатиб.  
Чолу кампир күёвінғиз отаси,  
Құйманғызлар юракларин музлатиб.

Келин бўлиб тушсанғиз женг Толасга,  
Иссиқкұлми, ё бўлмаса Үш тарафга.  
Шувут қымай онанғизнінг юзини,  
Номларни бурканғиз шон-шарафга.

## ТИЛ БОБИДА

Түғилиб тоғда, далада,  
Үқидик қишлоқ, қалъада<sup>1</sup>,  
Рус тилди сүзлашмоққа  
Иштілғандык янада.

Үқишиң беріб дилимни,  
Русча олдим илмни.  
Эрінмасдан ўргандык  
Иккінчи она тилимни.

Русча сүзлаб ишда ҳам,  
Гапирдім ҳатто түшда ҳам.  
Күйлаганман құшығын  
Саратонда, қишида ҳам.

Покизадир имоним,  
Тілларга құрбон жоним.  
Урганардим күп тилини  
Агар бўлса имконим.

Дўстим, пухта ўйлайлик,  
Етти ўлчаб сўйлайлик.  
Үзга миллат тилини  
Угайлятиб қўймайлик.

---

<sup>1</sup> Қалъа — шаҳар.

## ТАВАҚКАЛ

Ишчанга мезон таваккал,  
Ғам-ташвиши йұқ әкан.  
Эришиб туриб отса ҳам,  
Бутоққа теккан ўқ әкан.

Ботирнинг иши таваккал,  
Құрқоқда юрак йұқ әкан.  
Құзин юмиб отса ҳам,  
Құкракка теккан ўқ әкан.

Олтин бош омон бұлса:  
Ишинг олчи, ўнг әкан.  
Тоғ айланиб юргунча,  
Довон ошган жүн әкан.

Үйчи етиб үйнга,  
Битиргунча юмушин,  
Таваккалчи «гарткам» деб  
Санаң олтин, кумушин.

## ОДАМ ЕШИ

Агар инсон зотининг  
Олтмиш бўлса мўлжали,  
Олтиндан ҳам ўн бора.  
Ардоқланг ушбу ўлжани.

Агар инсон зотининг  
Етмиш бўлса мўлжали,  
Яхшилик билан ўтказсан  
Таңгри берган ўлжани.

Тўқсон тоғдан ошмоқдир,  
Тўқсоннинг қалтис йўллари.  
Қўлингдан келса, одамзот,  
Хор бўлмай ўтсанг бўлгани.

Юз ёш буюк қўрғонми?  
Шу ёшга чиққан тўйғаними?  
Шунинг-чун оллоҳ ортини  
Армонли қилиб қўйғаними?..

## ИСТАГИМ

Бағридан булоқ оқиб ийніб тұрса,  
Құйни-құңжи бойликка уюб тұрса.  
Төг демай она десам арзыр асли,  
Муборак фарзандларин суюб тұрса.

Дарёлар соҳилларин тепиб тұрса,  
Дарахтлар күк тоқини ўпиб тұрса.  
Құш соҳил бўйларига ўтов тикиб,  
Одамлар ризқ-рўзини сепиб тұрса.

Оймомо кўл бағрида ухлаб ётса,  
Ошиқ эса мошиғини исқаб ётса.  
Юлдузларга кўзин қисиб қўрли ўчоқ,  
Сарин сабо гард қўндиrmай пуфлаб ётса.

Ғаним оғу солмаса ошимизга,  
Баҳт қуши мудом қўнса бошимизга.  
Иззату эътиқодни йўқотмасак,  
Инсоф берса кексаю-ёшнимизга.

Тириклик ўчмайдиган чироқ бўлса,  
Қўни-қўшни адовардан йироқ бўлса,  
Қисқа умр узайиб кетармиди  
Одамларнинг бағри кенг, иноқ бўлса.

## НЕ ГҮЗАЛ

4

Сув бүйлаб чиққан тол гүзал,  
Губоренә отғаш тонг гүзал.  
Сулувлик излаб түймаган  
Ошуфта қалб, онг гүзал.

Текис ўсган тол гүзал,  
Шишадек тиниқ тонг гүзал.  
Түй-түркинга сабабкор  
Қиздайин қирмиз жон гүзал.

Қуёш сулув, кун гүзал,  
Тонг билан сирдош гул гүзал.  
Күзга қувват, нур берган  
Табиат асли минг гүзал.

Оқ шуълали ой гүзал,  
Тонгга туташ жой гүзал.  
Киндик қон томган ердан,  
Айтинг, яна қай гүзал?

## УЛАЙ БЕРСА

Осудалик юлдузи ёна берса,  
Эл ҳаёттинг гаштига қона берса.  
Қирқ бора чиғириқдан омон чикиб,  
Қирғизим ўза ҳолича қолаберса.

Зуғумни, ёмонликни күэ күрмаса,  
Фалокат, ўлим деган ҳеч келмаса.  
Орадан ўнлаб аср ўтса ҳамки,  
Диәпат түфонларга йўл бермаса.

Ота-она фарзандидан убай кўрса,  
Инсофли эр йигитга худо берса.  
Ор-номус ҳар бир жонга мезон бўлиб,  
Одамлар донғил йўлин улай берса.

## **ОҚИН ДЕГАН КИМ ҮЗИ**

Тинчлик нима? — Эл-улуснинг ўлжаси,  
Жимжитлик ше? — Оқинларнинг йўлдоши.  
Орзу қиласр чексиз, сокин дамларини,  
Камлик қилгай еру осмон ўртаси.

Оlam билан гурунглашар бир үзи,  
Ҳар на бўлса илрагай тийрак кўзи.  
Шарпаси йўқ кўлдан излар тўлқинни,  
Йўлинг бўлгур шоир деган ким үзи?..

## ҚҰБИЗЧИ С. ТҰХТАОХУНОВАГА

Шоир деб ёзмаса ҳам не ажаб манглайнингга,  
Аслида шоирасан қуй тұла танглайнингда.  
Құбизинг йүрға бедов, панд бермас аро йұлда,  
Мақоми мағзиян қақиб, фикр қыл, англагин-да.

Сенга үхшаб юртимнинг үнлаб виқори бұлса,  
Тангритор чүққисидек юксак — юқори бұлса.  
Созингни сайдата бер, дилларни яйрата бер.  
Бу ғаманнинг сен каби гулгун баҳори бұлса.

Элнинг олқиши, дуосини олавергин, сингилжон,  
Юртим булбули бўлиб, қолавергин сингилжон,  
Тилагим шу қўлларинг дард кўрмасин дунёда,  
Қўбизингни янгратиб чалавергин, сингилжон.

## КҮЛ БУЙИДА

Кора сочи нозик белга чүлғаниб,  
Бир паризод күлда сузар түлғаниб,  
Сийпалайман аста тақир бошимни,  
Вақт югурик, наҳот қолдим мен қариб?

Яна бири қум узра ойдай шу балқиб ётар,  
Дум тушиб, китоб ўқиб, балиқдай қалқиб ётар,  
Бир йигит ўхтиң-ўхтиң қараб құйынб,  
Төвонида құмларни ўзига чалпиб ётар.

Сувда сузса, сулувлар түлқин ёриб,  
Хавас қылар ҳаттоки дельфин балиқ.  
Үргилайин ёшлигим, түлған ойим,  
Умримнинг шамчироги сенсан аниқ.

## АСИЛЛАР

Хоннинг тожин киймаган,  
Хондан ортиқ бийлаган<sup>1</sup>  
Улуғ момо Хоникей,  
Қурбонжон ўтган дунёдан.

Қоғозга хат чиймаган,  
Бурро-бурро сўйлаган.  
Моҳир синчи аталиб,  
Қалиғул ўтган дунёдан.

Бошдан мардлик кетмаган,  
Чақмоқдайин чатнаган.  
Ботир Шобдон ўтса ҳам,  
Чўллони асло ўчмаган.

Дам емаган сўлтадан<sup>2</sup>,  
Үт чиқармай ўртадан.  
Ҳатто Байтик ботар ҳам  
От минмаган жўрттадан.

Оқил десанг, оқилмон,  
Асил десанг, асил жон.  
Садир оға турганда.  
Бас келибди қай инсон.

<sup>1</sup> Бийлаган — бошқарган.

<sup>2</sup> Сўлтада — уруннинг номи.

Таласда әр күп әкан,  
Бирин айтсак әп әкан.  
Елғиэ отли Тұлибай  
Хұп донишманд бек әкан.

Ботирлар юртни бийлаган,  
Донолар әлни сийлаган.  
Сұзи бору, үзи йүқ  
Асиllар үтди дунёдан.

Яхши ейди ошинни,  
Емон эса бошини.  
...Аждақодай ғажишиб,  
Улоқтирап лошини.

## **САВОЛ-ЖАВОБ**

Бу дунё ростми, ёлғонми?  
Пушаймон тұла армоми?  
Қадри юксак беңиштә  
Ким күрибди боргани?

Буғи айтсам сенгами,  
Барчасин мәжнат енгади.  
Жаннат борга үхшайды,  
Кетганлар қайтиб келмади.

## АЗИЗИМ

Күз қароғим бойланиб,  
Қон билан құша айланиб,  
Ешлигимга ҳамоқанғ  
Чиқдинг сідай шайланиб.

Капалакдай айланиб,  
Күнгилга ипсиз бойланиб.  
Дилдаги олов сенмидинг,  
Қолибсан шамдек жойланиб.

Бир ұзингга бойланиб,  
Кетолмай қолдым айланиб.  
Кулганинг дори мен учун,  
Күешдай чиқдинг тонг ёриб.

## **ОЛТИНДАН ҚИММАТ**

Булбулга ўхшаб чұлдираб,  
Булоқлар оқар жилғадан.  
Күтлүғ юртим Олатөң  
Жаңнатға яқын, бир қадам.

Күкдан олиб нур, қувват,  
Емғирдан қоя ярқирап.  
Дов-даражтлар гуркираб,  
Пастда дарә ҳайқирап.

Салом берар офтобга  
Қизғалдоқлар пешқадам.  
Соҳил сұлым арчазор,  
Беҳиштгача беш қадам.

Болалик ўтган қир, дара,  
Бобомдан ёдгор ҳар зарра.  
Зурәдларга меросдир,  
Олтиндан қиммат минг карра.

## ОЙГА МЕНГЗАМА

Олтин деб айттар тангани,  
Олтиним дема сен асло.  
Олтиндан қиммат дуойнинг,  
Олтиндан ишқим мустасно.

Кумуш деб айттар тангани,  
Кумушим дема сен асло.  
Кумушдан каммас кулишинг,  
Кумушдан севгим мустасно.

Отинни ойга менгзама,  
Олтин, кумуш тийиндир.  
Очиғин айтсам, яслида,  
Оддий бўлиш қийиндир.

## ЎЗИНГ

Ҳўпладимми оғу тўла қошиқни,  
Ажаб, нега шу заҳарга ошиқдим.  
Хумо қушдай мени йўлдан оздириб,  
Сарсон қилдинг, она йўлда шошиқдинг.

Сездим чоғи болга тўла қошиқни,  
Бол таъмидан нафланмоққа ошиқдим.  
Неки десанг, барчасига розиман,  
Шўх анҳорнинг тўлқинидай тошиқдим.

Ахир нега билиб туриб шошилдим,  
Қўлим етмас юксак дорга осилдим.  
Ростин айтсам, бу оғриқни, бу дардни  
Муҳаббатнинг йўриғига хос билдим.

Асалмикин, заҳармикин тотганим,  
Ҳеч сир эмас оғир дардга ботганим.  
Ёлғиз ўзинг менинг ҳамдам-ҳабибим,  
Бу касални тузатгувчи табибим.

## СУРАТИНГ

Сутга чайиб олгандай,  
Ним куласан сузилиб.  
Суратингга қарасам,  
Юрагим кетар эзилиб.

Ким билади күзимга  
Жамолинг ортиқ сезилиб.  
Оромимиш йўқотдим  
Ич-ичимдан эзилиб.

Қўш яноғниг ўймоқдай,  
Лабларинг олов сезилиб,  
Боққан саринг, азизим,  
Оҳ дегайман эзилиб.

Олисдан яқин сезилар  
Суратда туриб жилмайсанг,  
Ҳар кун юз бор қарайман  
Ошигингман, билмайсан.

## АТТАНГ, БИЗНИНГ БОЛАЛИК

Не кунларни кўрмадик, ҳайриятки,  
Замона бажо этди тилагимни.  
У кезда нонни бирор босиб ўтса,  
Депсагандай бўларди юрагимни.

Гоҳида ҳафта бўйи қолиб очга,  
Иўқчилик бирдай келган кекса-ёшга.  
Фақатгина нонни эслаб ухлар эдик,  
Тушимиизга кирмасди ундан бошқа.

Тўқоч деса эгиларди отам боши,  
Чимирилиб кетарди қовоқ — қоши.  
Нимагадир шўр эди ўшал нонлар  
Е омухта бўлганми онам ёши.

Ҳадемай баҳор келар дала-тўшга,  
Ниятларим кетмагай бекор-бўшга.  
Зоғора, кўмоchlарни сувга чилаб,  
Ҳоли қудрат етардик кўклам — қўшга.

## ТОҒ ОҚШОМИ

Қүёш ўтаб хизматин,  
Күкда юлдуз яшнади.  
Әриб оқшом бағрини  
Күппак ҳура бошлади.

Булутларга ястаниб,  
Түши түшга уланиб,  
Юксак тоғлар ухлашар  
Бир-бирига йұлапиб<sup>1</sup>.

Адир-қырлар нортая  
Улкан қоллар юқланған.  
Ой құқыдан мұралар  
Бир оз чети буқланған.

Нур ұптар арча, қарағай.  
Нур әмар кекса-әшгача.  
Гул ифорин аямақ,  
Тоғда оқшом бошқача.

---

<sup>1</sup> И ұлапиб — суюниб.

## АСЛИДА

Она ер бағрингда ниҳолман,  
Құрнілб кессанғ ҳам майлиға.  
Қошынгдан мен униб-үссаиман,  
Эзғилаб боссанғ ҳам майлиға.

Мен сендан ясалған шамширман,  
Темирни тенг бўлиб ташларман.  
Текислаб ўркачли чўққини,  
Водийда тоғ қура бошларман.

Сен учун ясалған сеторман,  
Ё куйла, ё синдири, хоҳишинг.  
Қўйшитдан отилған булоқман.  
Ё лойлат, ё сўндири, хоҳишинг.

Аслида қарз учун яралдим,  
Биласан, келмайман қайтадан.  
Илтимос, оқибат кўрсатмай  
Сен мендан фойдалан, фойдалан.

## ОГИР ЮК

Сүқир бўлиб қолса ҳамки, сени кўриб,  
Соқов бўлиб қолса ҳамки, сени уқар.  
Сен бўлмасанг, бу жаҳон мотамсаро,  
Сен қайтсанг, волиданг қайта туғар...

Оталарга хос эрур валломатлик,  
Ўлчаб бўлмас уларнинг меҳр күчин.  
«Буни тинч қўй, мени ол» дейди отанг,  
Ажалга ҳам пешвоз чиқар сенинг учун.

Яралганмиз уннинг жигар-бағридан,  
Кўйлаш мушкул саковату-тарзини.  
Аммо қандай узишаркан фарзаандлар  
Ота-она олдидаги қарзини.

## ҮЗГА ДУНЁ КЕРАКМАС

Күзингда ёниб турган ўт,  
Оловланиб юрган ўт.  
Ором бермай тунлари  
Үй-хаёлнім бурган ўт.

Юзингда ёниб турган ўт,  
Юрагимдан урган ўт.  
Дилши көв-көв қылған ўт,  
Алғов-далғов қылған ўт.

Жамолингдай ёңған ўт,  
Гоҳо алдаб-тонған ўт.  
Яшнатиб дил чорборин,  
Симобдайин томған ўт.

Умринг үзи — куйған ўт,  
Күнгілга яқин суйған ўт.  
Ишқисиз юрак юракмас,  
Үзга дунё керакмас.

## ИҮҚ ДЕМА

Қарилек умринг безаги,  
Қарида ақлнинг ўзаги.  
Номусин шаробга бўктирган  
Уғлондан қиблатоҳ безорми,  
Ўзини гуноҳкор сезарми?

Муҳаббат ром қилиб ўзиға,  
Қарамас ситамнинг кўзига.  
Икки ёш бош қўшса қувониб,  
Июниб рийбатчи сўзиға —  
Биз оғу қўшмайлик тузиға.

Гўшт-у мой лаганда титраб,  
Капирилар қозонда қитираб,  
Мисоли қўр тушган товуқдай  
Меҳмонни кутамиз «питираб»,  
Тўйгунча ароқни симириб,  
Дастурхон, ион, тузга тупурар.

Тоғнинг ҳам баланди пасти бор,  
Яхшиям, ишоннинг дasti бор.  
Мол йигиб, тўй қилиш бу удум.  
Ўзинг яраша гашти бор.  
Ҳар ишинг армонли эзти бор.

Яхши уруф серобдир турмушда,  
Зийнатли, ажойиб, бир нусха,  
Гўзалин саралаб, илғаб ол.  
Сараси элингга бир ризқ-да.  
Иўқ дема кенгашли — сунушга<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Сунуш — маслаҳат.

## ГУЛ

Гулдан ўтган нозик бор,  
Болдан ширин озиқ бор.  
Уни севсак — баримиз,  
Унда нетар ошиқ ёр?  
Унда қандай ёзуқ бор?

Мұмдай әриб — ийған бор.  
Гулдан чопон кийған бор,  
Хаддан ортиқ севсак биз,  
Унда нетар сүйған ёр?  
Ошиқ бўлиб куйған ёр?

Ездай ёрқин нури бор,  
Жабр кўрган тури бор.  
Бундай тотли дунёда  
Ўксимасин сўйған ёр,  
Лол қолмасин сулувлар.

Гулнинг гули биринчи,  
Паривашнинг йўқ тинчи.  
Фарзанд деган гул ёлғиэ,  
Эрам бояғин кўринг-чи —  
Бу гўзалнинг севинчи.

## **БАРАКА**

Барака шоқрларнинг қаламида  
Қуёшнинг ярқираган қароғида.  
Барака узун тунни кунга улаб,  
Бола боққан оналар қароғида.

Барака элимиздинг ҳимматию  
Юрт севгап ўғлонларнинг орасида.  
Омонлик, хотиржамлик бўлиб турса,  
Бахт асли одамзотнинг боласида.

## ҚАЙДА ЭКАН

Беташвиш ҳаёт бормикан?  
Күллар унга зормикан?  
Чақмоқдай қисқа умрда  
Яйраган одам бормикан?

Гүзәллик асли қайдадир,  
Гүзәлга дунё боймикан?  
Сулувларининг сулуви  
Кўкдаги кўркли Оймикан?

Одамга қиммат жонмикан,  
Улмас одам бормикан?  
Бешафқат ажал тенг боқар  
Аслида гадо, хонга ҳам.

Яшамоқ ўзи роҳатдир,  
Оллоҳга етгай чин оҳи.  
Ким чўчийди ўлимдан  
Бўлмаса агар гуноҳи.

## **БИР КҮРГАНДА**

Жонимни ясовулдай ҳайдаб кетдинг,  
Ейилган сочларингга бойлаб кетдинг.  
Сеҳргар лўли қиздай бир кўриниб,  
Юрагимни сен нишон айлаб кетдинг.

Дуч келиб, темир юган тақиб кетдинг,  
Иўлимга қил кўприк осиб кетдинг.  
Иўриғинг ажабтовур, эй, шўх санам,  
Иўқ жойдан уволимга қолиб кетдинг.

Сирларингни сандиққа катин<sup>1</sup> кетдинг,  
Хаёлимни маржондай сочиб кетдинг.  
Эҳ, аттанг, кийикмидинг, охумидинг,  
Асқар тоғининг ортига қочиб кетдинг.

---

<sup>1</sup> Катин — яшириб.

## ҰЗИМ ҲАҚИДА

Шеңр әзмай күпга қадар құлым совуб.  
Илхомимнинг авжы паст, ҳечроқ дебман.  
Армоним йүқ, сол-саноқсиз юмуш қылдам.  
Армоним күп шоирликка кечроқ кепман.

Күнглим агар ийиб кетса, оқинилкідір,  
Кенг дүшө караматта яқинилкідір.  
Қайдаги мени кутғап паризоддай  
Бир умр ундағуачи чақириқдір.

Шоирлик амал әмас, севиб топған,  
Шоир бу улоқчимас, кулук чолған.  
Аслида ижодкорлик бедаво дард,  
Оловдай юрагимда ёниб ётған.

Рости гап, муҳандислик ҳұндарим бор,  
Пешона тер туфайли, унарим бор.  
Күннинг юкин-хизматин ташламасман,  
Күнглимда шоир бўлиб турарим бор.

## **ОШИГИМ БУЛ**

Мен ўзимни сенсираб,  
Сени эса сизлайман.  
Қизил гул бўлсанг, азизим,  
Қирларга чиқиб излайман.

Хаёлмисан ё рӯё,  
Тулпоримни тезлайман.  
Навбаҳорнинг тули деб,  
Адирлардан излайман.

Сен борсанки ҳаётда,  
Ўзимни яккаш сезмайман.  
Лолами деб жовдираб,  
Сен ўтган йўлдан излайман.

Баҳор ўтди, ёз ўтди,  
Энди қайда кузлай мен?  
Хаёлмисан ё рӯё,  
Мен ошиқман, излайман.

## ҮРТАНИ ТӨҒЛАР ТҮСМАСА

Юксакдаман, серажин төр устида,  
Пастда эса чўпон чорва қайтарар.  
Бахтим бор деб жар соламан оламга,  
Қоялар ҳам ўша сўзни қайталар.

Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам аёнсиз,  
Қаердасиз, лобар қизлар, жононлар.  
Қиз қувишида етолмадим — бу аниқ,  
Қаердасиз, ўша аҳди ёлғонлар.

Қопда қурут, мешда пишган бол қимиз,  
Булар бари менга таниш азали.  
Булар бари қирғизимниг удуми,  
Булар бари ёзилажак газатим.

Эҳ, қанийди, чаманларда, гулэорда  
Чақир тикан, шумғиялар ўсмаса.  
Бу дунёдан ўтар эдим армонсиз,  
Үртамизни юксак тоғлар түсмаса.

## БЕДОВЛАРНИНГ ҚҰЗИДА ҚҮЕШ ҚАЛҚИР

Йилқининг қарогида қүёш балқар,  
Гүё дурбинн — дүнёлар ұтар қалқиб.  
От сингари аср бүйн қанот бўлган  
Сен унинг юрагисан, она ҳалқим.

Йилқининг қарогида ухлар олам,  
Аммо у кипригини чимирмайди.  
Яхши билан бу олам ташвишини,  
Сафар олди ҳеч нарса кемирмайди.

Гүё думли юлдуздай ҳар бир тулпор  
Селдайнин чор тарафга кетар оқиб.  
Бўшлиқлар оламида учиб борар,  
Худди чақмоқ сингари олов ёқиб.

Үстидаги қанча эрлар қалқон тутиб,  
Тулпорларниң туёғи ёзган тарих.  
Улар тирик шу кунга етиб келди,  
Бахтли қисмат, оз эрур минглаб таъриф.

Бу ҳунарга ўргатиб боласин ҳам,  
Достон қилган отаси йилқисини.  
Энг нодир юмушларниң орасида  
Биргина ошиғимаш йилқицини.

Мен адил қирга чопиб чиққашимда,  
Бедовларниң құзидада қүёш кўрдим.  
Сакраб миниб, шамол билан қувалашиб,  
От дупурин асрларга тенгдош кўрдим.

## МЕН ХАЁЛАН...

Мен хаёлан силаб қора сочингни,  
Қайта-қайта тақрорлайман отиңгни.  
Кута-кута сабрим тугаб, ниҳоят,  
Қорга ёздим сенга деган хатимни.

Ҳар бир ҳарфи қорга құнди гулдайяп,  
Ҳар жумласи тобланади нурдайин.  
Аәзларга, изгириңга дош беріб,  
Ҳар бир сатри тафт беради нурдайин.

Сенга таниш бұлған үша қарағай  
Паҳмоқ сочин ётиғига тарамай,  
Үқир эди қорга ёзған хатимни,  
Иигитликка әпди үтгап боладай.

Мен хаёлан силаб қора сочингни,  
Қайта-қайта тақрорлайман отиңгни.  
Үчиртириб юбормагин қуёшга  
Сенга атаб қорга битган хатимни.

## АРГУМОҚ

Беріб турған тулпорингни, оғажон,  
Түеғини чақмоқ тошдек ёндирай.  
Қотиб қолған терін тұқиб чоптириб,  
Олис йұлда хуморимни қондирай.  
От мишишни жуда-жуда соғындым,  
Күзларимга тоғу тошлар илинмас.  
Ортда қолиб шаҳарларнинг шовқини,  
Аргумоқнинг йұрғасида билинмас.  
Отынгизни сайдонликда қолдириб,  
Күнгил ёзиш ҳисси мени қийнайды.  
Бедовимни хорнтар деб болакай,  
Үйләяпсиз, күзларингиз қиймайды.  
Ташвиш құлманғ, асло мендан, оғажон,  
Буюклардан бир оз сабоқ олғанман,  
Илтимосим, беріб туриңг Firкүкни,  
Эсли-хушли йнгіт бўлиб қолғанман.  
Беріб туриңг, шу тулпорни, оғажон,  
Түеғини чақмоқ тошдек ёндирай.  
Болалигим ўтған қутлуғ ерларда  
Елдек учиб хуморимни қондирай.

## ЯШИЛ СУРАТ

Шаҳар ичин оралаб шамол учиб,  
Қуюн ўйнар ҳоли қолган қишки боғда.  
Кўм-кўк яйлов кўз ўнгимда яшил сурат,  
Водий қормас, пахта дедим ўша чоғда.

Бу умринг қадрини сезгай маҳал,  
Ҳаприқиб ўзгачароқ тепар юрак.  
Оппоқ водий — кўз ўнгимда пахтазор,  
Кўм-кўк яйлов — яшил сурат бўлса керак.

Тунни ёриб олисда ёнар олов.  
Үт туташар сен ўзиңг ёзган хатда.  
Кўз ўнгимда хотираш яшил сурат,  
Юракдаги тасвиринг оппоқ пахта.

## ХАЁТ

Бу ҳаёт — биздан улкан ҳамда киңік,  
Сөғініш үзгаларни эслаш демек.  
Денгиздай тұлқынлапиш, босиқ юриш,  
Бошланиш, тугамаслик, якун бешак.

Бу ҳаёт — құниш, учиш, келиш-кетиш,  
Қашча-қашча чигални тугал ечиш.  
Янглишиб туманларда йұл ахтариб,  
Қийинчилик, уқубатни барбод этиш.

Ҳаёт — кураш, олишув, куйиб ёниш,  
Шиддатли олға босиш, кейин қолиш.  
Беқудага ұтган ҳар бир күннингни  
Кексайғанда үкіниб ёдга олиш.

Бу ҳаёт — чүнг довондир, йұллар босиш,  
Шодлик, қувонч, хафачилик, хаёл сурис.  
Яшаш қадрін сезмоқ үзи асал мисол,  
Яшаш қадрін сезмоқ үзи тошдай оғир.

...Фаройиб зертакларда айтилғандай  
Умрлар шам сингари бир-бир үчар.  
Бу күнлар келажакка күч йигади.  
Юрак тафти чақмоқдайын аста күчар.

## АРМОН

Ҳажрингда юрагим тилинар,  
Күрмасам: айрилиқ билинар.  
Қизарыб ботмоқда қуёш ҳам,  
Бұз бедов булоқни шимирап.

Тушымга юлдузлы түн кириб,  
Түйғуны парчалар синдириб.  
Яйловдан келмоқда отлиқлар,  
Үғлини ортига миндириб.

Кипригим дил қатин яралар,  
Бир боқсанғ, хуморим таразалар.  
Күйлагинг товланар қызғалдоқ,  
Ҳар минут йил бұлыб санаалар.

Келардинг булоқдан сув олиб,  
Бекиниб олдим мен қувониб.  
Оқиста қарайман сен томон,  
Панадан бошимни чиқариб.

Ҳажрингда юрагим чилинар,  
Күрмасам, айрилиқ билинар.  
Қизарыб ботмоқда қуёш ҳам,  
Бұз бедов чашмани шимирап.

## ИККИ ЕРТИ

Үргилайин, қоқындиқ,  
Үз тенгини излагаш.  
Биздан кетиб борасан,  
Шу экан-да қыз деган.

Айшанайин, келинчак,  
Сени қайдан излайнин.  
Яхши-ёмон гапирмай,  
Күрармикин бىздайин?

Хой, фариштам, ариштам,  
Қайлиқ билан иноқ бўл.  
Бизлар сендан розимиз,  
Ешиб турган чироқ бўл.

Жон тасаддиқ, қоқындиқ,  
Қутлуг бўлсии тўйингиз.  
«Икки ёрти бир бутун»,  
Шуни билиб қўйингиз...

## УШАЛ СҮЗИНГ

Ушал сўзинг куйдирди  
Бамисоли ўт бўлиб.  
Ушал сўзинг қийнади  
Кўзга тушган чўп бўлиб.

Гўё заҳри қотилдай  
Ранг-рўйимни ўчирди.  
Кабоб қилиб бағримни,  
Ақл-хушим учирди.

Ростин айтсам, азизим,  
Севигига заҳар томди.  
Пок юракнинг ғунчаси  
Оловда куйди-ёнди.

Энди қандоқ қарайман  
Одамларинг кўзига.  
Сен наҳотки ишондинг  
Фийбатчининг сўзига.

Уша сўзинг қийнади,  
Уша сўзинг ёндириди  
Олов бўлиб, ўт бўлиб.  
Кўзга тушган чўп бўлиб.

## КИМ БИЛСИН

Мұҳаббатни ким билсін,  
Сүтдек ойли тун билсін.  
Сүйкалма, укам, — деб қўйиб,  
Сузилған яңгам бир билсін.

Қўнгилдагин ким билсін,  
Қўкрак дардин дил билсін.  
Қўрмаган бўлиб эртаси,  
Қўзингдан жоним ўргулсін.

Уйқунинг жойин ким билсін,  
Узингдай ойли тун билсін.  
Уволни кўзи қиймаган,  
Уйқунгдан жоним ўргулсін.

Хумор кўз жойин ким олсін,  
Қут тўккан ойли тун билсін.  
Соғинчи билмас жон борми  
Қудратлик тангрим бир билсін.

Ёшликнинг жойин ким олсін,  
Ез ойи салқин тун бўлсін,  
Ёшликда нелар килемадик,  
Яратган бир эгам билсін.

## БИРИНЧИ

Сен тул бўлсанг мен исқадим биринчи,  
Сен сув бўлсанг, мен ҳўпладим биринчи.  
Сен ой бўлсанг, балқиб турган кўкдаги,  
Нур қучоқлаб мен ухладим биринчи.

Сен бол бўлдинг танглайимда биринчи,  
Баҳт қушимсан манглайимда биринчи.  
Сеҳргардай баҳди қилдинг ўзингга,  
Муҳаббатинг англайин-да, биринчи.

Дардим бўлса, дардим ўзинг биринчи,  
Тақдир қўшган ҳаро кўзинг биринчи.  
Ёлғиз бошим пойинг узра таъзимда,  
Тонг шуъласи — ширин сўзинг биринчи.

Она бўлиб фарзанд бердинг биринчи,  
Ота сўзин нур-ла тердинг биринчи.  
Юрмоқчиман, турмоқчиман бир умр  
Ҳаро ерга қамалгунча биринчи.

## ҚАРҚИРА

Қарқирайлар ошиқлар  
Қолгандайин күк ториб.  
Қаён кетиб боришар  
Олатоғни бұктариб<sup>1</sup>.

Ипак қапот капалак  
Кетди гулга құшилиб.  
Ой гардиши қалқиыйді  
Иссиқкүлда әшилиб.

Тинди сабо құшиғи,  
Хафсаламни пир қилди.  
Олмос тиғли чақмоқдан  
Булут чоки қирқилди.

---

<sup>1</sup> Бұктариб — ортиб.

## **ТОҒНИНГ ЭРКА ШАМОЛИ**

Чеҳрасини ел ўпган,  
Нима бўлар мен ўпсам?  
Этакларин ер ўпган,  
Хўш, не бўлар мен ўпсам.

Ой чеҳрасин ел ўпган,  
Аттанг, қани мен ўпсам!  
Кундай юзин ел ўпган,  
Кунда шунда мен ўпсам!

Қундуз сочин этаги  
Қуймучидан ўтарми?  
Хумор тўла юрагим  
Қуйқаланиб кетарми?

Эвоҳ, ўртаб юборди  
Ойпарининг жамоли.  
Нега ўпар беписанд  
Тоғнинг эрка шамоли?

Жон офати ул гўзал  
Қўшнинг қизи Асолат.  
Унга бир сўз айтгани  
Менда йўқдир жасорат.

## ҚИРГИЗЛАР

Қирғизнинг ўта кўҳна баёни бор,  
Ўзинга хос феъли бор, хоқони бор.  
Урфи бор, одати бор, масали бор,  
Бедаво — уруғчилик касали бор.

Қизғизнинг қирғиз деган душмани бор,  
Үртада низс қўзиб, бузгани бор.  
Мисоли қашқирдайин тишин қайраб,  
Қонида кўролмаслик, қизғаниш бор.

Қирғизнинг ўта кўҳна баёни бор,  
Мундузи<sup>1</sup>, сарбағиши<sup>2</sup>, саёғи<sup>3</sup> бор.  
Қўкарғани қўймайди фарзандларин,  
Қўлидан тушмайдиган таёғи бор.

---

<sup>1</sup>, <sup>2</sup>, <sup>3</sup> Мундузи — қирғиз уруғлари.

## ЕШЛАРИ БОР

Қирғизиинг Толаси бор, Машаси бор,  
Айтматов, Акаевдай қаноти бор.  
Учишга шайланганда, шу қанотни  
Синдиришдан тоймаган одати бор.

Қирғизиинг бензини йўқ, тоғлари бор,  
Хандони писта, ёнроқзор боғлари бор.  
Заводни, фабрикани хуш кўрмаган  
Техникага дангаса ёқлари бор.

Элатимнинг эл қатори бошлари бор,  
Эр ўғлону, қайрилма қошлари бор.  
Айтган билан ҳеч армони тугамайди,  
Ортида-чи, энг умидли ёшлари бор.

\* \* \*

Оққушнинг рақс этганин кўрганмисан,  
Тўлқинлар унга тақлид қилар ҳамон.  
Азиизим, Сени ўйлаб қолганимда,  
Оққушнинг аҳволига тушгум тамом.

Оққушнинг ишқ фаслини кўрганмисан,  
Бисотин ўз жуфтига бахш айлаган.  
Елғизим, эпкин мисол келиб тезроқ,  
Қалбимга садоқатни нақш айлагин.

Оққушнинг ишқ қўшиғин уққанмисан?  
Умр — ип узулгунча тўхтамаган.  
Севгилим, вафо куйи ҳамроҳ бўлсин  
Ўзганинг достонинг ўхшамаган.

## ГҮЗАЛЛАР

Оқ тонгни, булбул севган гүшалар-у.  
Оlamda қиёси йүк Ойсулув бор.  
Ойчурак, Хоникейни<sup>1</sup> фарқин айтсак,  
Аёлдан буларга тенг қай сулув бор?!

Уққанларни бир кўрмоққа зор айлаб,  
Тоқ бошида Сўнкўл ётар чайқалиб.  
Кўзинг тушса ул гўзалга бандоҳ,  
Чарчоқларинг зумда кетар тарқалиб.

Гап кетаркан паривашлар ҳақида.  
Бибисора қирғизимнинг юлдузи,  
Хушовозли Тоттибнби бекиёс,  
Элимизнинг саодатли нур қизи.

Одат бўлди турлп-туман ташловлар,  
Суврати бор, сийрати йўқ тасқара.  
Пул тўлашар ғолибларга шубҳасиз,  
Шир яланғоч, ўзин қилгай масхара.

Сулувларни солиб бўлмас бозорга,  
Тулпор эмас, пойгаларда чопилмас.  
Гўзалликни эл ардоклар аслида,  
Еигил-елпи кўриклардан топилмас.

---

<sup>1</sup> Хоникей — Манаснинг ёри.

## ХУЛОСА

Отажоним қўша-қўша уй қуриб,  
Том биткунча ҳолимизни танг қилди.  
Молу қўйга, от-уловга зўр бериб,  
Жони тиниб, режасини «ванг» қилди.

Онамизнинг ўй-хаёли гиламда,  
Хоналарни тўлдиришди уннашиб.  
Чол-кампирнинг кўнгли тушиб ўрнига  
Ошхонада гаштак қилар тунашиб.

Бирин-сирин оқ ҳам қўнди сочимга,  
Тушмасайди бу ҳол менинг бошимга.  
Топганларим фақат тўйга буюриб,  
Тангрим эса ёш қўшсайди ёшимга...

\* \* \*

Ҳаёт тип-тинч, тұла әди тилемінгі,  
Олов пуркаб бирдан уруш бошланды.  
Аямасдан, қарамасдан ҳеч кимга.  
Гүрга тиқди қарилару ёшларни...

Урушса ҳам амал қилиб сұзига,  
Иссик ұтлар тепчиб үтиб танасин —  
Ұчмас қилиб ота-она күзига  
Мұхрлади фарзандлари эласин.

Күн югурап — гоҳо хафа, гоҳо шод.  
Юрак қонар — кулфатдан минг тилингап.  
Харом ұлди әгаси йұқ яйдоқ от.  
Қамчи чирир керагага илинган.

Қисматимиз шундай тугар бұлса гар.  
Барқам беринг дунёниң бу үйніга.  
Инсон күчи уланмасин, йигитлар,  
Кирманг энди келинларнинг қўйнига!

## БОШДАН ҮТГАНЛАР

Калбимни эзар армонлар,  
Салмоғи мисли құрғошин.  
Гарчи ҳар он, ҳар бир күн  
Бұлса-да асл йұлдошим.

Тил энди «Ота!» деган кез  
Уларни жаңғоқ сұради.  
Оталар кетди күнгли-ю  
Күзіда бешік сурати...

Тил энди «Бобо» деганда  
Улар ҳам кетди урушга.  
Ичига ютиб армонин  
Күч берди ёвни суришга.

Не фарёд чиқиб уйлардан,  
Шум хабар олди не хушни...  
Үйнамай бирор үйнішоқ  
Үргандик бошоқ теришни.

Үргандик ғарам қылмоқни,  
Үроқни ювди теримиз.  
Дафтартың қалам юргунча  
Ҳайдадик қанча еримиз.

Белгача ботдик қайғуга,  
Урушда биздан күлдилар.  
Оталар бермай тарбия  
Оналар ота бўлдилар.

Қандайин ҳолда бүлмасын  
Қисматга ҳар жон эгадир.  
Шунақа көзға дүч келиб  
Тундлашиб қолдик негадир.

Бу гаплар шеъринг гапимас,  
Тарихга андак бир назар.  
Биз-ку биз...  
Хатто боламиз  
Бобосиз ўсди, алқазар!..

## МАСЛАҲАТ

Юракда ёнган ёлқиннинг  
Шуъласи чиқса кўзингдан —  
Шеър ёзишга талпингин,  
Зўр маъно чиқар сўзингдан.

Вужудинг музлаб турган дам,  
Юрагинг тошга айланиб...  
Сен бекор турма шунда ҳам  
Биронта иш қил шайланиб.

Ҳеч бўлмаса тош кўтар!  
Ўзингни кийна, олма тин.  
Бўлмаса кунинг бўш ўтар.  
Вақтдан қарэдор бўлмагни.

Эркингни бошқар!  
Ўшашда  
Иш деган оғир келмайди.  
Ўринли мақсад бор, аммо  
Ўринсиз мақсад бўлмайди.

## АСАДДАГИ ИССИҚҚҮЛ

Күкдан Қуёш аяган йўқ иссиғин,  
Ўз косаңда жўшиб-тошиб исидинг.  
Биз келганда ўз исмингга муносиб  
Бўлиб кетдинг Иссиққўлим, Иссиғим!

Чўмилганда қучогингда ташлаб шоҳ,  
Суву қуминг бўлди бизга чин паноҳ.  
Доим бўлсин Исон билан Табиат  
Ўртасида шундай яхши иттифоқ.

Кезганимда кўлнинг чети, роҳида,  
Мен бекиёс қувонч сездим гоҳида.  
Бундай ҳолат бўлур балки шоирда  
Илк китобин қўлга олган чоғида.

Буюк меҳринг туйган чоғим ҷамаси,  
Лол айлади кўлнинг минг бир гаммаси.  
Банда қачон ташвишлардан арилган?  
Сенда ёддан чиқди ушинг ҳаммаси.

Кўзгу кўлим, кўриб аксин булутнинг,  
Мен ёқами бир бор эмас, кўп тутдим.  
Бир фароғат сездимда бу ҳаётда  
Оғриқ, ўлим борлигини унудим.

Бе раҳат бу!  
Каминанинг бўйнида  
Айтиш — келган не-не соҳир ўйни-да.  
Балки шундай эркаланиб ётганмиз  
Гўдакликда онажонлар қўйнида!

Инсон яшар, кундан, сувдан тот олар,  
Сенда ўтган күнлар баҳтли аталар.  
Балки бизни мана шундай ардоқлаб  
Қучогига олган аэз Оталар!

Сенда топған ҳис-ҳаяжон, ҳар қалай,  
Яшаңга руҳ берур ўйлай-ўйламай.  
Юролмайман совуқда ё бүронда  
Асаддаги күл меҳрини күйламай...

\* \* \*

Түйкүсдан ўнг чаккага теккан муштдай,  
Үйлантан сари ўйга тортган ишдай —  
Бир сезим ҳолсиратиб борар мени  
Тумови не-не азоб берган қишдай.

Ҳаётда ёмонлик күп ағер каби,  
Шодлик оз, ғаму койиш хазар каби.  
Бир сезим ўтга ёқиб шубҳаларни  
Яхши бир умид берар баҳор каби.

Бир умид чақнаб — ҳамма томонини  
Ёрнтар — бу келажак шамолими?  
Замона ўтар гарчи юрак аро  
Бирга олиб яхши-ю ёмонини...

Үткариб бошдап не-не қийин ишии,  
Нафақат яшаш, ейиш, кийиниши —  
Күнникиб қайғы-ғамни унугтишта  
Одамзот ўрганмоқда суюниши!

Ёмонликлар озайиш кезидадир.  
Яхшиликтиннег күпайиши ўзидадир.  
Одамзот күкдан түштән ёмғир эмас —  
Минг асрлар бунёд этган мүъжизадир.

## ОҚБУРА

Күз илгамас мовий күкни ёпиниб,  
Милән-милән тошни этиб поёндоz —  
Күпик сочиb, күкка, ерга топиниb,  
Күшиқ айтib оқишиларинг мунча соз!

Зилоллинда тенгинг бўлmas келса куз,  
Оқишингга қиз кулгусин битасан...  
Эрир экан чўққаларда мўнги-муз  
Чопқиллаган бўта бўлиb кетасан.

Гоҳ тақдиришинг шамолидан енгизлиb,  
Ором излаб, сезги бер деб бўйлайман.  
Дардларимни дўстдай билиb, тенг билиb,  
Дўстлар йўқда фақат сенга сўйлайман.

Сенга қайтгум мен бормайин қай ёққа,  
Сенга келгум ғам осилса бўйшимга.  
Сақлайсанми туширмасдан қармоққа  
Балиқ бўлиb кириб олсам қўйнингга?

Қанча жонни хуштор этган шўх куйинг,  
Қанча йилни илди экан имингга?  
Юлдузларинг, туйқус боқса бу рўйинг,  
Қанчасини қададийкан тубингга?

Қирқ бир сочи тақимларин қамчилаб  
Қызлар келса сувга тонглар изидан, —  
Тошдан тошга ўйноқлаган томчилар  
Қанчасининг ўпди экан юзидан?

Суқли боқиб кўп йўллардан қайтаман,  
Шов-шув шаҳар мени мафтун этган дам —  
Хаёлимга тушганинг чор айтаман,  
Азиз дейман она юртнинг суви ҳам.

Ўйга ботгум, тақдир деб адашмаган  
Янги кунга қуяр чоғда қадамни...  
Айирса ҳам тан сиҳатлик, бошқадан...  
Она ердан айирмасин одамни!

Кимдир бирор аччиқланиб асаб бузар,  
Кимдир бири севинади ёш боладай.  
Кимдир бирор зўрға оёқ судраб кезар,  
Бошқа бири шошилади шалоладай.

Баъзи одам ўйчан келар аллақайдан,  
Бирор ишлар, толар мудом қўлў-панжа.  
Бирор турар авария бўлган жойда  
Сигаретин ҳаволатиб тишлиганданча...

Кўринади чор томонда кўзлар мудом,  
Сўзлар мудом чор томонни тутиб борар.  
Ҳаёт қайнар.  
    ҳаёт жўшар,  
        этар давом,  
Умр сея ўтиб борар,  
    ўтиб борар...

## ИЛТИМОС

Саваса ака гар укасин  
Күрибон күрмаган бўлманглар.  
Муттаҳам бўлиб у ҳаммага  
Муштини кўтарар, ўйланглар.

Севгини қадрлаб, эъзозланг,  
Севгини сезмовчи бўлманглар.  
Ишқсиз дил мевасиз дарахтдир,  
Сиз буни яхшилаб ўйланглар.

Ҳар қандай хатолик — фожиа,  
Олдини олмасдан қўйманглар.  
Асрнй дор, азобни йўқ қилиб.  
Эркин, ҳур яшашни ўйланглар.

Юракда жўмардлик лим бўлсин,  
Ғийбатга ҳечам йўл қўйманглар.  
Қай жойда ҳақиқат, ул жойда  
Ҳаёт ҳам бақувват, ўйланглар.

Курашнинг тушиб чин йўлига,  
Онани унутиб қўйманглар.  
Онани севмаган — Ватан,  
Елондан севади, ўйланглар!

## ТУТ

Тутым, бизга она бўлмиш Заминнинг  
Сурасанг-да минт йил йиққан тотини —  
Барг бериб, құртлар боқиб ипак билан  
Безатасан бу аёллар зотини!..

Тутим, айтгил, не толесан, не бахтсан —  
Меванг еган боши етар күкларга.  
Лекин сен-чи жуда ўжар дараҳтсан —  
Бутаб, қирқиб ташласа ҳам күкарған.

Сен соқчисан пахта ўсган далада,  
Сен бешиксан — не улуғлар белашган.  
Сен ўтилсан қишка...  
Иссиқ паллада  
Сен деҳқонга эшг қўмсалган кўланка.

Жоним тутим, сенга юрак сўзларим,  
Кўз олдимда камтар сиймонг ярақлар.  
Не дейишар эди экан ўзларин  
Сендай хизмат қилса бошқа дараҳтлар?!

## БАХОР

### I

...Ховур чиқиб күнга тұстап синадаи,  
Дала ётар... Менін мудом қайнаган.  
Күртак бұртар... Бүйге етиб бирон қыз  
Сүюнгандир юзин күриб ойнадан...

Тол күчуклаб бир-бирига суркалар,  
Деңқон түшін илиқина нур ялар.  
Етти қатор бұлиб, бизни соғиниб  
Етти қават күкда учар турналар.

Тонглар отар нурға чулғаб йүлимни,  
Күнлар ботар ором ол деб әлизни.  
Едға келиб аллақандай бир хоҳи  
Үялтирада капгир тутган келинни...

### II

...Агар деңқон — юрак бунға бергил тан —  
Бир йилгина сақламаса донларни;  
Үлар әдік минг қийналиб очликдан,  
Құмсағ турфа таомларни, понларни.

«Севаман» деб йиртсак ҳамки томоқни,  
Минглаб сатр, минглаб ташбих деворгай —  
Құтлуғ Ерни шу муқаллас тупроқни  
Фақат деңқон чин юракдан севолгай!

Унинг күзи турфа дала-тузларни  
Юрак билан күрар очық картадай.

Асраб, суюб, жойлаб унга ұнсларни  
Фақат деккон севар ерип чарчамай!

### III

...Еғоч йұниб, кийім тикиб оч, ғаріб,  
Пода боқиб, далаларга дон сочиб,  
Үтін териб ўта берган бу тарих.

Садоқ тақиб, қилич түтиб жез кипли,  
Уруш бұлиб, ёна берган бу дүнә  
Гүмдөн қилиб ёшу қари ризқини...

Селлар келган чұңг қоялар оққудай,  
Ер қатламын тила берған одамлар,  
Ұжарлашиб ўса берган оқ бүғдой.

Гүзәлликка тұла берган дала-түз,  
Емонликка қарши туриб яхшилик,  
Күп хор бўлиб енгінб ғиққан яшамоқ!

## СОЧ ҲАҚИДА ШЕЪР

Эр йигитки, зүр мақсадга әгадир,  
Номи кетар чор томонга йўл очиб.  
Бу тўғрида хаёл сурсам, негадир —  
Эсга тушар Суймонкул оқ сочи...

У — соchlари қора кездан жон этди  
Жон юртига истеъдоду фикр-ўйин.  
Чўқморовнинг сиймосида танитди  
Ер юзига Қирғизим ўз ранг-рўйин.

Тарих учун йиллар кечса бир кунча,  
Бизга улар эўр зафарлар қут-гарди.  
Она халқим Қадру-қиммат топгунча  
Не ўғлонлар қора сочи оқарди!..

## ҚИШ БҰСАҒАСИДА

Юрак сапчыб кетар гоҳ шидо бериб...  
Үюлганими... қон ўзарттар ўз измини.  
Күлгүлар-чи, бир дақықа садо бериб  
Қайларгадир кетар буриб тизгінини.

Ер хорған.

Шамол құвар қиши исиши,  
Құшгашча булуттарга — бундан шоддай.  
Тор қилиб турфа гуллар дүнёсими  
Деразадан куз ўтар чарчоқ отдаи..

## ГҮЗАЛЛАР

Ялт этиб ёндирап күзингини,  
Бусна ҳам ўт-олов кезингини.  
АЗИЗИМ, ГҮЗАЛЛАР ТОШБАҒИР,  
Улардан олис тут ўзингини.

Узоқ бўл, рўйига чалғима,  
Армонинг акс этмас қалбида.  
Улар ҳам эгилар, хўрланар  
Биз каби учқур Вақт олдида.

Туйғучан бўлишар ҳар ҳолда,  
Туришиб туңда ё наҳорда —  
Куйлашар, йиғлашар, чувиллар  
Не ажаб қишлоғу-шаҳарда.

Гўзаллар — ҳаёт ноз-фироғи,  
Умрнинг порлаган чироги.  
Не жонни шеърга ўч қиласди  
Уларнинг бетакрор чиройи.

Кўзлари кўзларнинг аълоси,  
Юзлари гулларнинг раъноси.  
Кўринар гўзаллар юзида  
Яшашинг минг хуфя маъноси!

\* \* \*

Хазон учган йўлларда юргум ғамгин,  
Гарчи куз кезиб юрар улуғ, тамкин.  
Шонрга бир лаҳзалик қайғу оғир  
Дунёда кунда байрам бўлса ҳамки...

Ўз ўрнида кулимсирап тоқ қуёшим,  
Оғирчиллик елкадан олмас тошин...  
Ниглагим келар кўрсам не учундир  
Аллакимнинг йиртиқ-ямоқ усти-бошин.

Ўйлангум: дардларимни, нафларимни,  
Қачондир ўтга отган дафтаримни...  
Аччиғим чиқиб кетган чоғларимда  
Кимгадир айтган қаттиқ гапларимни.

Ичим куяр — юракнинг кўп армонияга,  
Неча йилини бекор яшаб олганига.  
Кўп нарсанинг қадрига етмай юриб  
Умриннинг анча-мунча қолганига...

Муштимни туттанимча ўйга толдим,  
Қайда эди ҳозирги ақлни олдин?!

Дил ёпар — кўп одамдан кўрдим хўрлик,  
Кўпига қарши сўзим айтмай қолдим...

Ҳаётим бошқача йўл кўрармида,  
Дадиллик кўп нарсага ярармиди?

Ғижишб эрта дейман, ҳа, эртага...  
Эрталар чексиз кела берармиди...

Киз ортидан гүзәллигү учун юрдим,  
Деб унга ҳамма тапши тушуптирдим.  
Сүнгра биз құйл олишдик, кулиб олдик,  
Дүнәннинг күп ғаройиб ишин күрдим.

Шу маҳал минглаб одам карнай чалди,  
Күринди күз илғамас карвон олди.  
Бошланды зўр шаҳарда зўр тантана —  
Хон ғазотдан юртига қайтиб қолди!

Лашкарлар қурол ечиб отдаи тушди,  
Кутганилар у ён-бу ён суримишди.  
Музaffer оталарин исмин айтиб  
Гумона қолган болалар югуришди.

Не-не ҳисдан чўё бўлиб ташалари,  
Ким ҳаприқди, аллаким паналади...  
Келинлар куёвларин излашди боз,  
Чолларини қидиришар оналари...

Гарчи вақт шахдам олға юраверди,  
Тонг уйғониб зулумотни сураверди.  
Ер шари ўз кўйинга маҳтал бўлиб  
Куёш эса осмонда тик тураверди.

Утмишни бир сония эслаб-йўқлаб,  
Кўз очдим минг бир афсус билап «ух»лаб.  
Туянинг бўйлидаги қўнғироқдай  
Телефон жирингларди тўхтаб-тўхтаб...

## МЕН БҮГҮН...

Мен шу бугун зүр дүшенинг бугуни,  
Эрта балки ўтмишга йўл улайман.  
Ой, йил ўтиб борар экан, бир куни  
Асрларининг қудуғига қулайман.

Мен шу бугун сени севгум ўт мисол,  
Оlam аро бошқа севар одам йўқ.  
Шу ҳозироқ тақдиримни берай, ол,  
Манов эса оташ юрак — қизил чўё!

Сен кутасан...

Вужудингда қайғу, мунг...  
Балки кўнглиниң қолар кезда етарман.  
Жо бўламан юрагиннга!  
Кейин... сўнг —  
Ишқ қатига аста сингиб кетарман...

\* \* \*

Яралса зўр фикрлар қисқа тушда,  
Шошилган кез туғиладир кашфиёт.  
Бир қарашда кўзинг очган учқундан  
Дилда ёнди ғоят янги, ёш ният.

Сени кўргим келиб кетган чоғларда,  
Узоқ йиллар ёр бўлай деб сенга ман —  
Исламиг айтиб гул тераман тоғлардан,  
Не-не оғир касалликни енгаман.

Тонг отсайди чиқмай хўроз уилари,  
Бугун яна сенга солгум кўз қирим.  
Билсанг, жоним, давлат сири сингари  
Үлкан севги юрагимда яширни.

Нозик, сезгир лира сени билгандай,  
Не гапим бор — шеърларимдан сўрагин.  
Бу ҳаётдан сени топиб олгандай  
Топа олсам қанийди сўз юрагин...

## САЕХАТ

Құзғотиб ҳаёлпінг ие жүръатини,  
Құрсатиб ташна юрак құдратини,  
Ұз ҳолига келтиргүм — вайрон бұлган  
Қадимги шақарларининг сұвратини...

Үқтүм бозор ғовури, үй, сұзапи,  
Күрамаш оша тарих рүй-юзини.  
Параңжининг ичидан меніңга боқар  
Анови қыз, үйнатиб құй құзини!..

Яхши қыз, қараганинг қандайни соз,  
Нигоҳшыг қалб торымга тегади боз.  
Не юракин ларзага солди экан  
Ой юзинг ойдип түшінг бұлыб ҳамроз?

Шаробдай қон қыздырап жилмайғанинг,  
Билдиради бүй етиб, улғайтанинг.  
Сен учун 乍ластғап бўлишмасин  
Машшоқлар наю, гижжак, сурнайларин.

Сен үйга кириб кетдинг, лола гулим,  
Лов этиб ёниб кетди шунда дилим!  
Париваш, кўришгунча саломат бўл,  
Қутлуғ бўлсин ҳайитинг, япги йилинг!

Шу үйда турған бўлсам керак, қайдам,  
Чиқди-да бир ёш поисад аллақайдан,  
Қўлида хапжар сопин тутиб деди:  
«Айлан, майли, иззатиянгни билиб айлан!»

Үзр дўстим! Раңжитма боз сўзлар айтиб,  
Бу — менниг замонанғга меҳмон пайтим...  
Юрибман сайр этиб... Кетадирман  
Сен билмас келажакка яна қайтиб...

## КҮЧАДА

Машшалар учиб борар ракетадек,  
Чапт ўйнайди йүл устию том бошида.  
Бир чол борар эштиккапча, құлда юх.  
Килкиллаган қызлар ўтар әнбошидан.

Кимдір бяров бекат ёқда ғаш туралы,  
Бирлашади йигит-қызының панжалари.  
Бир келнешін үғли йиғлаб шоштиради,  
Құлтиллатиб сув ичади қанчалари...

Газет-журнал олар күплар сағта туриб,  
Бирөвлари сиргаларга нур илишар.  
Ешу кекса бир түп аёл гүшт қидириб  
Дүкөнлардан дүкөнларга суринишар.

Беүй юрар аллакимлар аста дайдиб,  
Баъзиснага күлфат — лүзі тугагани...  
Бошқа бири чүнтакларин сийпалайди,  
Хозиртгина солиб қўйган ҳамен қани?

Бирөв уйга автобусга тушиб қайтса,  
Шошилади ароқ билан ошга бири.  
Бирөвлари ёшига ёш қўшиб айтса.  
Ешии камроқ кўрсатади бошқа бири.

Баъзилари кино томон аста кетар,  
Бири шошар — салқинроққа тезроқ етса!  
Бирөвлари ғўчигандай қараб ўтар  
Гар рақами юза бўлиб танга ётса.

Баъзилари тарвуз тишлиб туришади,  
Бирөвлари хормиз, дея хайр сўрап.  
Баъзилари жуфти билан боришади,  
Бирөвлари не учундир әлғиэ юрар.

\* \* \*

Ез ёмғири құвса уйға ров кириб,  
Ишқинніг олов тұшагида ётғанмиз.  
Нимагадир үша күнлар тез қариб..  
Ул түйғулар оғушидан кетғанмиз.

Нима учун яхши күнлар тез ўтар?  
Мен сув ташиб, сен кир юғаш кең қани?  
Гар эсласам бутун вужуд жын этар,  
Кетдім бугун ҳар олимниң қызығаныб.

Келажаги бу кунидан хұп шириң  
Үша кеزلар менн ўртар саҳардан.  
Нурдан тоза ёшлыгимиз яшшиң  
Огулларға кетсакмакпен шаҳардан?..

\* \* \*

Бу юракшы, ҳей, пималар қийнамас,  
Эҳ, бу төвөн не срларга тегмагай.  
Максади йүқ одамгина йигламас,  
Мақсадлиши қийинчилик эгмагай.

Шатир-шутир ёмғыр тоҳо аримас,  
Зум ўтади — нур пуркайди чүнг қүёш.  
Бу ҳаётда күлгү асло қаримас,  
Жараңгидан садо берар төғү-тош.

Күнлар ўтиб озаяркан қайғу-ғам  
Юқ камаяр одамларнинг бўйинда.  
Үйлар ўйни яратади дамо-дам,  
Аср тунар ўшал ўйлар қўйинда.

Туйғу, ҳисни, эҳ, пималар қийнамас,  
Кимки эсли тақдир ипин пишиқлар.  
Севгиси йүқ одамгина йигламас,  
Йиглаб-сиқтаб умр сурар ошиқлар!

## САЛОМ

Салом сенга, қардош қўши ўзбегим,  
Жиловдорсан сен улоқда ўзингсан.  
Салом сенга ҳамиша ёш Тошкеитим,  
Қадим Шарқнинг дарвозаси ўзингсан.

Салом сенга, қиёси йўқ далалар,  
Куй таралар қўбизимдан — торимдан.  
Қуллуқ сенга саховатли Сирдарё,  
Пахта экиб, сув пчасиа Нориндан.

Салом сенга, бобокалон Самарқанд,  
Номинг дилга муҳрланган эс таниб.  
Олқиш сенга Улугбекнинг диёри,  
Минг йилларга шоҳид бўлган эсдалик.

Салом сенга Ширинларнинг авлоди,  
Ун тўрт күплик ойга ўхшар камолинг.  
Толасликман, қайчи-қуда элатмиз,  
Фарғоналик мепинг соҳиб жамолтим.

Салом сенга қардош қўши ўзбегим,  
Мирзачўлин қиёс этдим бархитга.  
Бу гал энди ўзинг меҳмон бўлиб кел,  
Арслонбобга, Ўш шаҳрига, Арқитга.

## БУЛУТ

Ални баҳор, қирда ётиб чалқанча,  
Қиёси вүк ёшлигимни эсладим.  
Булут ўрлар, йүк кифтида түядай,  
Гавдалашар бузоқ минган көзларим.

Ана күкда булут кезар, ғуборсиз,  
Бамисоли оппоқ сочли волидам.  
Узоқ ыкллар дийдорини күрмадым  
Сира кетгим келмас унинг ёнидан.

Ҳаял ўтмай булут яна турланар,  
Әмғир, дўлни әлагидан ўткариб.  
Мен сугорган кўк ғунонни минганча,  
Отам келар чакмошини бўктариб.

Онам бўлиб, отам бўлиб кўришган,  
Момиқ булут, кел, кўшглимни ўтаргин,  
Ерга тушсанг, етиб бориб шу заҳот,  
Тўйгунимча, тўйгунимча ўпардим.

## ИЗЛАЙМАН

Айтсам гапнинг ростини,  
Кўпдир дўстим, йўлдошим,  
Тиллосини оз топдим,  
Салмоғи-чи қўрғошин.

Чин дўстингман деди бири,  
Папироғим чекканда.  
Тескари қараб кетди,  
Унинг чўғи ўчганда.

Ошнанг бўлай деб бири,  
Келди ароқ ичганда,  
Секингина чап берди,  
Шиша бўшаб битганда.

Пул борида бир оши нам,  
Кўтар ҳатто тунда ҳам,  
Пул йўғида кўзи кўр.  
Ҳаво очиқ кунда ҳам.

Айтсам гапнинг ростини,  
Кўпдир дўстим, йўлдошим.  
Тиллосини оз топдим,  
Салмоғи-чи қўрғошин.

## **ҮРГАНАЙЛИК**

Нурмат ота түғри айтар биз ёқда,  
Боғлар оздир дам олиб, дил ёзарга.  
Софинганда узум апор олгани,  
Андижонга тушамиз·а, бозорга.

Ҳа, ўта шўх овулдаги болалар,  
Улар қылган ишга юрак ачишар.  
Бор бўлгани бир-икки туп олмапи,  
Пишмай туриб ўғирлашиб қочишар.

Гап очиғи Нурмат ота жуда ҳақ.  
Ким хоҳламас боғ-роғ барпо этишни.  
Тоғликлар ҳам қани тезроқ ўрганса,  
Қир-адирга турли кўчат экишни.

## ЗАМОНАМ

Баъзан янганг ер ютсин, — деб қарғаса,  
Тоганг бўлса етимча, — деб хўрласа.  
Агар қалбинг тоз бўлса ҳам эзилар,  
Ота-она қадри шунда сезилар.

Ким ҳаётда яхши яшай демаган,  
Ким турмушнинг аччиқ болин емаган?  
Мана, мисол бундан ўн йил бир улоқ,  
Сенга ўхшаб етим қолди энадан.

Эчкилар дер, — етим улоқ қайдаги,  
Яйловдан-ку энг орқада қайтади.  
Чўпон аёл неча марта калтаклаб,  
Сут ичди деб қўралардан ҳайдади.

Йиллар ўтди, қанча-қанча сув оқди,  
Етим улоқ така бўлди шу вақти.  
Қўра-қўра қўй эргашди ортидан,  
Чўпон бўлса унга қўнғироқ тақди.

Сен ҳам ўғлон, етиласан, тўлассан,  
Ҳадемайнин полвон йигит бўласан.  
Етим қилмай ўстиради замонанг,  
Бу ҳур диёр, меҳри бекиёс онанг.

## БАЪЗИ ШОИРЛАРГА

Тошқынсиз дарё дарёми,  
Оқ күпик сочиб оқмаса.  
Талантсиз шоир шоирми,  
Езгани элга ёқмаса.

Шоирман деб эл олдида,  
Күкрак кериб турамиз.  
Яхши билмай ҳаётни,  
Хижолат бўлиб юрамиз.

Қашча-қашча китобга,  
Сингди манглай теримиз.  
Баъзан мулзам қиласи,  
Хом-хатала шеъримиз.

Соз асарлар битайлик,  
Турмушни хўл ўрганиб.  
Биз ўлганда шеъримиз ҳам,  
Тенг ўлмаса бўлгани...

## БОРИДАН-ЙУГИ ЯХШИ

Агар эсли бўлса фарзанд,  
Ота-она қаюти.  
Ерга эмас, элга қараб.  
Ушга меҳри қонади.

Беақл бўлса ўғил,  
Учқур қают қайрилар.  
Элга эмас, ерга боқиб,  
Таянчидан айрилар.

Айрим ота юмшоқ кўнгил,  
Ардоқ гапга серталаб,  
«Арслон йигит бўлади» деб,  
Устиради эркалаб.

Арслон йигит бўлишга.  
У ниҳоят улгирди.  
Боласининг зулмидан,  
Ота зир-эир югурди.

Баъзи она қизини,  
Хўп ардоқлаб боқади.  
Гард қўндирамай сочиға,  
Турли лента тақади.

Ушал қизча улғайиб,  
Бўяб киприк, қошини.  
«Ҳой кампир» деб онасин,  
Заҳар қилас ошини.

Қобил, одобли ўғлон,  
Ота-онанинг бахти.  
Нопок, таниоз фарзанднинг,  
Боридан-Йўғи яхши.

## ЕШЛИК

Ешлик шундай, асло қайтиб келмайди,  
Түшлар йүқдир, ёшлик кезгаш түнлардай.  
Кампир-чолга аср бўлиб туюлар,  
Иигит-қизга энди оқшом киргандай.

Ешлик гашти унуптилмас ҳеч қачон,  
У кезади боғ-бўстонни оралаб.  
Ешлик шундай, у сира ҳам эринмайди,  
Ишқ-муҳаббат гулин терар саралаб.

У бекарор рови бокиб ойнага,  
Сўнгра ётар курпасига ураниб.  
Сменадан энди қайтган ишчидаи,  
Ухлаёлмас нимагадир буралиб...

\* \* \*

Баланд тепа булутларга күз солиб,  
Чүккілардек ўсмоқ истар юксалиб.  
Паст тепалик етсам дея иштилар,  
Эртаю кеч кояларга сукланиб.

Яхши шоир қайта-қайта машқ этар,  
Езғанларим яна равон бұлса деб.  
Емөн шоир уннинг гүзал шеърига,  
Суқ-ла бокар, менға қараб қўйса деб.

## ДҮНӨПАРАСТ

Қишлоғимда бирор үлди. Үйламанг —  
Уни ёзиш шунча зарур эканми?  
Баъзан инсон қаторига құшамиз,  
Күксии керіб «мен одамман» дегани.

Савлати ҳам, давлати ҳам бинойи,  
Лол қоламан ич коралик холига.  
Қайга борса ҳасад билан қарайди,  
Күзи куйиб ўзгаларнинг молига...

Ун хоналик уй солдирди баҳорда,  
Чой қўймади қутлашиб келганларга.  
Хоналари торлик қилди шекилли,  
Яна янги уй қурди бошқа ерга.

Ишлаш қайда, дала юзин кўрмади,  
Жон койитиб кетмон-ку чопгани йўқ.  
Үти келса колхоз мулкин кемириб,  
Олиб сотган, ҳалол пул топгани йўқ.

Шундай, қилиб, чайқовчи, қаллоб үлди,  
Колиб кетди, құша-құша уйлар-кошона.  
Ажал экан, асқотмади давлати,  
Етар энди торлик қилиб «бир хона».

Ҳеч ким сира қайғурмади, сабаби —  
Ундан афзал соя-салқин бир терак.  
Қабрига бехос кирған чумолидан,  
Тупроқни ҳам қизғаниб ётса керак.

Қишлоғимда бирор үлди. Деманғиз —  
Таъриф қилиш шунча зарур эканми?  
Гоҳо инсон қаторига құшамиз,  
Кўкрак керіб «мен одамман» дегани...

## ОФРИМАСИН ДИЛИМИЗ

Күй авжыда. Танца давом этмоқда,  
Рақсларга қонар юрак ташнаси.  
Тасодиған «жиз» эттирді оёқни,  
Оқ гуфлингии бигизсімден пошинаси.

Үзэр сұраб, хандон отиб күлдінг-у,  
Яна танца туша кетдинг бежирим.  
Ёдніңдадир, неча бор оғаннанған,  
Мен ҳам босиб, сұрагапман кечирим.

Унугилар оёқларшының оғрығи,  
Ёдниздан чиқарамыз уннан биэ.  
Майли, фақат оғримасин, ҳеч қачоң,  
Тонг шуридан ғубори йүқ дилимиз.

## ДИЛБАРИМ

Үн минг эмас бир жоним,  
Бир жонимни сев жоним.  
Юракка чүф ташладынг,  
Сабабиши айт барин.  
Ох, Дилбарим, Дилбарим!

Бойкүш билар тун гаштин,  
Булбул билар гул гаштин.  
Мен-чи буши сезмайин,  
Үз йүлимдан адашдым.  
Ох, Дилбарим, Дилбарим!

Пахтадан төр уйганинг,  
Менинг эса куйгалим.  
Билинмасми сен учун,  
Борми ўзга суйганинг?  
Айт, Дилбарим, Дилбарим?

Үтар йигит йилларим,  
Сенга аён сирларим.  
Ишқ ўтига дош бермай,  
Енаётир дилларим,  
Ох, Дилбарим, Дилбарим!

## АСРИМ

Чүккүни севар юрагим,  
Қоялар менинг тирагим.  
Юксакдан она юртимни,  
Күриб туриш тилагим.

Құй сүйінб мәдмөн күтган,  
Иұлбарсу, тарлон туттган.  
Бургут қаюот элизсан,  
Қайғуларни унуган.

Отам тулпор кишинатиб,  
Онам күңгілім хушлатиб,  
Алла айтган құлларимга,  
Тонг юлдузин ушлатиб.

Ғам ёшини қурытган,  
Зулум эмас, нур ютган.  
Тоғ үғлеман, волидам —  
Күйлак тиккан булатдан.

Онам дер, — рисқи-рұзым,  
Сен менинг сұнмас изим.  
Жаҳон бүйлаб номинг бор,  
Олатселик қирғазим.

## ОНА ҚИШЛОҚ

Фасли баҳор, гулларингни соғинидим,  
Ўша сокин тунларингни соғинидим.  
Яланг оёқ ишқин<sup>1</sup> қарағат<sup>2</sup> териб,  
Дараларда юрганимни соғинидим.

Ингит бўлиб танибманки эсимни,  
Хотирлайман ҳамон ёшлик кезимиши.  
Эртаю кеч толпинаман ўзингга.  
Юрагимга шунча яқин эдингми?

Она юртим, киңдик қоним томган ер,  
Ўйниқароқ, шўхлигимга қолган ер.  
Йўргакладинг, улғайтирдинг, сен ўзинг,  
Биринчи бор қучоғингда ёздим шеър.

Наврӯз пайти гулларингни соғинидим,  
Соқин, ойли тунларингни соғинидим.  
Харсанг тошга айри миниб, пишлоқ еб,  
Қўзи боқиб юрганимни соғинидин.

---

<sup>1</sup>, <sup>2</sup> Ишқин ва қарағат — тоз мевалари.

## ИИЛҚИЧИННИГ УЙИДА

Яйлов күмкүк. Қулун омон, мол омон,  
Иилқицилар үз ишидан сүйлайды.  
Бир түп камшир кигиз босар зўр бериб,  
Дошқозонда тотли шўрва қайнайди.

Арча ўтиш олов пуркар чирсиллаб,  
Хушбўй ҳиди димогимни қучади.  
Ўтиш қалар қизил кўйлак бир гўзал,  
Учқун тегса бирдац чўчинб тушади.

Дастурхонга ўтиришди кампирлар,  
Кигиз босиб, үз ишини тугатиб.  
Радиодан концерт тинглар йилқичи,  
Папиросни роҳат қилиб, тутатиб.

Ўз хизматин ўтаб бобо қуёш ҳам,  
Тоғ ортига эринимасдан оғади.  
Үч-тўрт жувон кув пишмоқда эринимай,  
Икки келин бияларни соғади.

Мунча ҳам дилга яқин, оҳанграбо,  
Яйловимнинг йилқиси, оҳулари.  
Булут тешгани тик қарағай солланар,  
Дардга даво чашмалари, сувлари.

Бир кечалик меҳмон бўлиб ўтовда,  
Роҳат қилдим. Менга қолса жилмагум.  
Яйлов сулув, қўйнидаги қиз сулув,  
Қай бирини севишмни билмадим.

## ЗЕРИКМАЙМАН

Қанча-қанча ботирларнинг ишлари,  
Сингиб кетган тоғларимнинг тошнга.  
Юлдуз қунгаш чўққилари сервиқор,  
Бери кел деб чорлар мени қошига.  
Бобомдайин бош кийимиш туширмай,  
Оппоқ қордан калпоқ кийган бошига.

Минг афсуски, аждодимнинг расми йўқ,  
Тоғин кўриб хотирасин эсладик.  
Ота-бобом меҳри ерга қоришиқ,  
Қўй боқади шу яйловда эс таниб,  
Тоққа боксам мен уларни кўргандай,  
Шу қоялар ўтмас-ўчмас эсдалик.

Фақат попу, сув тегмайди меъдага,  
Ана шундай — Слатогим, Арашан.  
Чўнг бобомдай салобатли, покдомон,  
Бахтиёрман бир корига ярасам.  
Тоғлар менинг адoқ бўлмас эпосим,  
Зерикмайман ҳар кун юз бор қарасам.

## УЗ ЭЛИНГГА ЕҚ

Ёмон шеър ҳам зүр таржима қилинса,  
Жаранглайди, маромига етади.  
Бүнн билмай баъзи шонр ҳовлиқиб,  
Үпкасинни босолмасдан кетади.

Күп тилларда босилса ҳам ашъорим,  
Қаламкашлар қаторида санама.  
Оқ қалпоқлик қирғизимга ёқмасам,  
Үнда менин шонр дея тан олма.

Халқ баҳоси, ҳақ баҳодир оғайни,  
Ёмон шеърини китобхонлар соз демас.  
Уз элида элга ёмон күриниб,  
Үзга тилда мақталгашлар оз эмас..

## РАШК БАЛОСИ

Яңгыбой доғи кетған машхұр чұпон,  
Овулиға йұлым түшиб турар доим.  
Мәхмөн келса ҳұрматин бажо айлаб,  
Хотиши хәзмет қилар, хұп мұлойим.

Яңгыбойшың бирғина одати бор,  
Рашк дегани илашғап йигит қоғдан.  
Хотишини қызығаар бирор келса,  
Үйи томон қарайди Олатоғдан.

Агарда әрқак киши құққис келиб,  
Чой ичиб чиқмай қолса бұз үтовдан.  
Гулиорымга бир боло бұлдими деб,  
Эриңасдан түшиб келади тоғдан.

Гулнор эса уй юмуши билан банд,  
Әртаю кеч чорва молин үйлайди.  
Мәхмөнларга бешбармоқни ҳозырлаб,  
Яңгыбайдай севғап ёрин үйлайди.

Шу тарықа хотишиңга ишонмай,  
Кімкіп келса улардан рашк этибди,  
Бұз үтога тоғдан қараб ётганда,  
Уч қүйин бүрін тищлаб кетибди...

## БУЛБУЛ ВА ШОИР

Булбул зоти биласызми, гулларга,  
Сүйлаб ўтар, куйлаб ўтар, ишқ розин.  
Узи эса синчалакдек кўримсиз,  
Лекин дўстлар, маст қилади овози.

Қолишмайди шоирларининг шеъри ҳам,  
Ҳар қатори ижодишиниг нақшидир.  
Узи оддий ва хаёлкаш бир киши  
Маслаҳатим, кўрмаганинг яхидир.

Шу борада баҳс кетса, гоҳида,  
Шоирларни булбул дейди кўплари.  
Булбул бўлса, пима учун уларнинг,  
Бири яхши, бири ёмон шеърлари.

Ҳар ким айтар ўқиганин, билганин,  
Бу таққосга сира рози бўлмадим.  
Халтурачим шоирлар-ку бор, аммо,  
Халтурачи булбулларни кўрмадим.

## **ГҮЗАЛИМ**

Аравониңң пахтазорин,  
Оралаган, гүзалим.  
Бұз йигитиңң юрагини,  
Яралаган, гүзалим.

Ҳалол ишлаб, тер түкиб,  
Доңғ таратған, гүзалим.  
Күзға келиб «ок олтни» дан,  
Тог яратған, гүзалим.

Олтмиш миңг сүм қалынни.  
Олғани йүқ, гүзалим.  
Алдов ғапға асло қулоқ —  
Солғани йүқ, гүзалим.

Москвата, күргазмата  
Бориб келдинг, гүзалим,  
Орден тақиб, бамисоли  
Әниб келдинг, гүзалим.

Баҳонада күп жойни,  
Күрмак бўлдинг, гүзалим.  
Аравонлик қизларга,  
Үриак бўлдинг, гүзалим.

## ТОЛАС СУВИ

Тошдан-тошга урилиб,  
Үбден тиниб, пишган сув.  
Жаңг-жадалда ҳовучлаб,  
Қоплон Манас ичган сув.

Ул париваш Ҳонкей,  
Бетин ювған бу сувда.  
Ойчурек ва Семетей,  
Қулоқ отған осуда.

Қанча довонлар ошиб,  
Үтар дала, түздан сув.  
Бола пайти Чүлпонбой,  
Балиқдайин сузган сув.

Асрларга әмакдош,  
Иўловчидаш шошган сув,  
Жамбул шаҳрин қолдириб,  
Чимкент сари ошган сув.

## ҚАЙГА ОҚАР?

Булоқшынг суви сойға оқар,  
Пулдоршынг пули бойға оқар.  
Тез-тез қолгум ўйлашиб,  
Замон асли қайға оқар?

Лочин учар ем излаб,  
Гұдак йиғелар әміз деб.  
Мұлтирада бенә-бечора,  
Боришгни бер, бўлиш деб.

Бўктарғи учар ем излаб.  
Болакай йиғелар әміз деб.  
Бармоғни тишлиб ўтирад,  
Насибаңдан еғиз деб.

Үлмаган жопнинг иши кўп,  
Ўз қорини боққан киши кўп.  
Бойлиги тошган ундан кўп,  
Чайнай деса тиши йўқ.

Карвон ўтар бузилмай,  
Қош-қовоги сузилмай.  
Яшаш учун келганимиз.  
Давр сурайлик қисиммай.

Ушлай десаңг сопи йўқ,  
Бир-бирнга нафи йўқ.  
Кўпдир бенә-бечора,  
Бойнинг бойдай гапи йўқ.

Құлида борлар минг қилар,  
Үз қавміга инилар.  
Оч юриб тұқмаң деган бор,  
Бориши йүкқа эшілар.

Чумчук тұяр чүқилаб,  
Бедовлар ўтар тұпираб.  
Етакчи бизга боқмас деб,  
Дангаса койиб ўтирад.

Парранда тұяр ғүқилаб  
Түмшүғин ерга ғүқилаб.  
Ақаев биәни боқсан деб,  
Ялқов кутиб ўтирад.

Бошлиқдан бошлиқ зүр чиқар,  
Камхарждан аслиғүр чиқар.  
Ұнглапар дүстлар замона,  
Инсофли бұлсанғ, мұл чиқар.

## АБАДИЙ СИР

Бу оламнинг туби йўқ,  
Яшамоққа бир келгум,  
Эртаю-кеч ташвишда,  
Эплап-сеплаб кун кўргум.

Бу фалакнинг чеки йўқ,  
Ошиғи йўқ, ками йўқ.  
Иш билан эл саросар,  
Кажрафторнинг ғами йўқ.

Борганиларнинг изи йўқ,  
Қайтиб келган киши йўқ.  
Отам кетган тарафдан,  
Ийқловчи йўқ, иши йўқ.

Худди кафтдай бу дунё,  
Оқиб турган сув дунё  
Хаёлимдан кўп ўтар,  
Қиёматдай қув дунё.

Бу дунё асли ёлғондир,  
Ута узун, армондир.  
Таигрининг амри туфайли,  
Бевафо бўлиб қолгандир.

## СҮЗ ЎТМАС

Ўтганни ёзган тарих бор,  
Кўнгли ғамдан дорир бор.  
Қаттол ажал бор экан,  
Ем бўлгувчи ғариб бор.

Ҳаётни тақдир вараклар,  
Турмуш сувдай шар оқмас.  
Меҳнатиниг орти роҳатдир,  
Пешонанг ундан ярақлар.

Умрни муддат ҳисоблар,  
Ажабо баъзан тез ўтмас.  
Вакт ҳақида ким ўйлар?  
Фақат шунга сўз ўтмас.

## СИРИМ БОР

Қалбимда ёңгап чүгим бор,  
Гоҳо бору, йүғим бор.  
Армошли қолган күнимда,  
Отилмай қолгаи ұқим бор.

Хулкардай ёнган шамим бор,  
Үмид-ла әккан боғим бор.  
Юрагимни ҳалыртириб,  
Олов бұлғап өғім бор.

Менга ҳамроҳ дилим бор,  
Аллоҳ берғап күним бор.  
Оппоқ тонгии зор кутиб,  
Оцилмай турғап гулім бор.

Бу оламда кимим бор.  
Дил қатида сирим бор.  
Давру-даврон баҳолар,  
Езғап машқым — шеърим бор.

## КИТОБХОНА

Топай десанг, дил дардимининг излариц,  
Инглаб ёзган шеърларимдан излагин  
Мисралари агарда ром этмаса,  
Құшиқ дема, жайдари сұз тизасин.

Үқмоқ бұлсант юрагиминит соғ ғапин,  
Ухламайин ёзганимдан излагин.  
Ишқ ва меҳр қүшилмаса жонимга,  
Шеър демагин, фақат сұзлар тизасин.

Тушмасаң ұам хаёлимнинг күлиға,  
Тунаб ўтгин үшал күлнинг бўйида.  
Ором олгин, дўстим, имкон борича,  
Машраб бўлдим мен илҳомнинг кўйида.

Лов-лов ёнса, ушалгуси тилагим,  
Уша тилак имоним деб биламан.  
Армон борми, ўргилаин китобхон,  
Оқ қофозни сутдай тавоғ қиласман.

## ҚАЙҒУ

Қайғу түшди изимга,  
Үйнмни тарк этар он.  
Пешонамга мұхр бос,  
Лабларинг-ла, опажон.

Истагим бор, бир умр  
Күчөнгінда қолгудек.  
Аммо орзу бир жақон  
Олис йүлга солгудек.

Сафар сари, йүл сари  
Үнгәрилган ковушим.  
Қаратади қизларни  
Дағал тортган товушим.

Олисларнинг шамоли  
Урилади юзимга.  
Олдинда қувонч имлар,  
Қайғу түшган изимга.

\* \* \*

Ҳовлинг девори баланд,  
Үндак баланд димоғинг.  
Не ҳам дердим, эй гүзал,  
Айни бўй етган чоғинг.

Дарвозапг қўш тамбали,  
Оғаларинг жангари  
Ошиқлар юрак ютиб  
Боролмайди сен сари.

Ҳовлинг олди торкўча.  
Тор кўчанинг толи бор.  
Бу кўчадаи ўтганинг  
Кулгу бўлар ҳоли бор.

Гарчи тилинг ҳар сафар  
«Йўқ» сўзини айтади.  
Совчиларим барибири  
Оқинг олиб қайтади.

## СЕВГИ

Севгининг жүзи күр, дейдилар.  
Тұғри йұл тегмаган тангридан.  
Ибтидодан интиҳо қадар  
Бошланар ҳар сафар яигидан.

Кім уни малжам деб атайди.  
Кім үнга бало деб құймаш ном.  
Бирөвлар туны кун мақтайди,  
Кімгадир — озолик, кимга — дом.

Ҳар қалай, у доим музaffer.  
Майсадек ёролған тошларни  
Азалдан меросий оловни  
Бағриға жойлайди ёшларни.

## ЧОРЛАШ

Кумуш жомда узатдинг оғу,  
Құзни юниб, уни ичибман.  
Севгинг менга мисли маёғу,  
Уши деб бор-буддан кецибман.

Бир нафасда ичга ютганим  
Оғу экан болга қоришган.  
Васлинг истаб түнни кутганим  
Сенинг ҳуснинг билан ёришган.

Сирли эдинг сирсиз дунёда,  
Күнларимга маъно баҳш этдинг.  
Бир боқишда, битта қиёда  
Юрагимга севги нақш этдинг.

Дардни берган дармонга ҳам тан,  
Келгил, шифо топай жомингдан.  
Номинг билан бошланади тонг,  
Шомим тугар яна номингдан.

## АГАР

Агар менинг бахт қүшим бұлса,  
Тонглари бергувчи толедан хабар.  
Ү билан күн сари омадим қулса  
Менга бетламаса бирор хавф-хатар,  
Мен учун ягона бахт қуши — сенсан.

Шомларимни ёритган юлдуз,  
Менинг тонгим түн сұнгидаги,  
Сира ёлғыз қолдирмовчи дұст,  
Сен ширин түш күз үнгидаги.  
Бу оламда йүғу-борымсан  
Иккى дүнә содиқ ёримсан.

## БИР БОР КУРИБ

Зулфнинг заңжирига қилдинг банд мени.  
Асирик чекимга тушди ногаҳон.  
Шафқат тарқ этгалим бутунлай сени,  
Кўзимга тийрадир энди бор жаҳон.

Юрар йўлларимда чоҳ ортидан чоҳ.  
Ўзин йўлга урмас энди саманим.  
Ҳолимдан бўлмадинг бир лаҳза огоҳ.  
Оташда — юрагим, қийноқда — таним.

Тилимта сўз келмас, кўзимга — уйқу.  
Жудоман сокинлик ила роҳатдан.  
Сен билан рўбарӯ келган кунданоқ.  
Нақд қайғу аълодай нася баҳтдан.

Аммо бу ҳам кўпдек кўринидими, оқ.  
Ўзингни, изингни топмай муштоқман.  
Тушдай ўтиб кетдинг ўнгимдан, эй мөҳ.  
Ҳатто қайғунгдан ҳам айрилиб тоқман.

## ҚИЗГИНА

Дам куласан қиқирлаб,  
Дам йиғлайсан пиқирлаб.  
Арпангни хом ўргандай  
Куюнасан пичирлаб.

Турмуш бу — оқ-қора йүл,  
Сенинг макринг бунча мүл.  
Танҳо гулман, демагин,  
Атрофга боқ, ғунча мүл.

Шудир шеъримнинг байти:  
Ҳар ишнинг бор ўз пайти.  
Усма қўйдинг, қуримай,  
Ёшлик ортига қайтди.

Қара сочим оқига,  
Ҳеч ким қолмас боқийга.  
Умр бўйи қўл чўзиб,  
Етмадим кўк тоқига.

## СЕН БИЛАН

Айро тушдик иккимиз,  
Орамиздан қил ўтди.  
Күнлар орти келди ой,  
Ой ортидан йил ўтди.

Үзимиз тугул энди  
Учрашмайди соямыз.  
Илгари бут, энди-чи,  
Чақмоқ бўлган қоямыз.

Ёшлик ҳам ўтиб кетди.  
Умр оқар сув экан.  
Бахтинг — отлиқ, сен — яйов,  
Орқасидан қув экан.

Софинг йўлга кўзимни  
Қаратгани қаратган.  
Айирмасин экан ҳеч  
Сепганингдан яратган.

## МУЪЖИЗА

Кутсанг ҳам, чорласанг ҳам  
Севги ўзи келмайди.  
Унинг юрар йўлини  
Ахир ҳеч ким билмайди.

У келади дафъатан  
Шифоси йўқ дардмикин?  
Ишқли билар, ишқсиага  
Тушунтириш шартмикин?

Минг кўчани кездирар.  
Сезмаганинг сездирав.  
Қўздан — уйқу, дилингдан  
Оромларни беэдирав.

Мўъжиза у ҳар дилга  
Билагингга куч бўлар.  
Усиз ўтган умрнинг  
Моҳияти пуч бўлар.

## ТУЛПОРЛАРИМ

Шеър ёзганда ёрилгудек  
Завқдан юрак девори  
Илҳом менинг учқур отим,  
Ўзим учқур суворий.

Олд-ортимга қарамасдан  
Қамчилайман, тулпорим масть.  
Үнгирларда менга не бор?  
Чўққиларга қилғанман қасд.

Сатрлардан сатрларга  
Ўтган сари қоним жўшар.  
Ҳар битта шеър бойлигимга  
Битта янги тулпор қўшар.

## ҚИЗИМГА

Толеимда сен ягона қизимсан,  
Бу дунёда қоладиган изимсан.  
Кулсанг ирмоқ жүр бўлади кулгингга,  
Кифти тўла соchlари қирқ тизимсан.

Навниҳолсан умр отли боғимда,  
Эрка кийик ўзинг қорли тоғимда.  
Хуш дамларим сен кифтингга қўнган қуш,  
Тасаллисан таскин топмас чоғимда.

Қўндиrmасман сенга зарра гард, ғубор,  
Бўл, илойим, бу дунёда мангу, бор.  
Бахтиэз бўлиш кимса учун кўп осон,  
Сен борсанки, отанг доим бахтиёр.

## ИҚРОРНИ ТИНГЛАБ

Шу кунгача чорасиз эдинг,  
Юрагим-эй, товушсиз тулпор.  
Мана бугун тушовни уэдинг,  
Еринг бўлгац ишқига иқрор.

Севинчингга мен бегонадек,  
Кузатаман четдан, сас ютиб.  
Қулф уряпсан майсадек дуркун,  
Ётган каби қуёшни кутиб.

Балки ёлғон иқрор чиқар у,  
Тил учида бир нав айтилган.  
Юрак учун шу ҳам бир орзу,  
Ҳар лаҳзасни саодат билган.

## **ҚАЙГУРМА:**

Қайғурма, азизим! Үтгуси  
Бу күнлар ўтмишни қоралаб.  
Яшадик шу кунга етгунча  
Эх, қанча аламлар оралаб.

Қувончнинг умри кўп қисқадир,  
Ийлт этган чақмоқдир қиёси.  
Ва лекин шу лаҳза умрида  
Зулматни парчалар зиёси.

Қайғурма, мени ҳам қилма эш  
Бу маҳзун дамларга, дилдора.  
Ёшликдек қайтмовчи дамларда  
Ғамлардан бўлмасин дил пора.

Қўлингни қўлимга ташлагин.  
Кифтимга қўй аста бошингни.  
Кипригим аритсин юзингдан  
Сирғалган бир томчи ёшингни.

## ЛАҲЗАЛИК БАХТ

Үтиб борар қизлар галаси,  
Нигоҳларни тортиб ўзига  
Эсга тушиб ёшлик палласи  
Ҳаёт азиз чоллар кўзига.

Чақирсанг-да, қайрилмас бири,  
Үтиб кетар шитоб бу карвон.  
Шундадир лаҳзалик баҳт сири,  
Изинда бир умрлик армон.

## ЯҚКА ҚАЙИН

Елғиз эдим. Йўл узоқ.  
Аёз авжга минарди.  
Гўё бу дам табиат  
Саботимни синарди.

Йўл четида оққайин  
Турарди якка-ёлғиз.  
Гўё мендек чарчаган,  
Жойнда қотган ҳолсиз,

У баҳор сари йўлда.  
Мен ёримга интилган.  
Иккимиз — бир, кифтига  
Сафар халтасин илган.

## СЕВГИ НИМА?

Нима асли мұхаббат?  
Ой нури, қүш сайрори.  
Елда енгил ўйнаган  
Ер сочининг байрори.

Асириман, бандиман  
Қарори йўқ қилчалик.  
Ерим йўқ ҳар дақиқа  
Туюлади йилчалик.

Ошиқ учун висол — туш.  
Мен-чи, уйқуга ётман.  
Дунёда бевафолар  
Учирап тошинингга ботмон.

Аммо, сенинг кўзларинг  
Макру-риёдан холи.  
Уммон каби туби йўқ.  
Садоқатнинг тимсоли.

Мени севгиниг сўқмоғи  
Бошлаб борғуси қаён?  
Қорачиқларинг сири  
Фақат Аллоҳга аён.

Умримнинг ардоғи ишқ.  
Усиз ҳаёт пуч ёнғоқ.  
Севгининг шиори шу:  
Ёнмоқ, ёнмоқ ва ёнмоқ.

## **СИНФДОШ ҚИЗГА**

Кунлар ўтар меҳмон каби,  
Омонатга ўхшар улар.  
Ўз улушин олмоқ учун  
Нурлар сочар, ўйнар, кулар

Ҳар ўтган кун қанотида  
Ёшлигимиз зарраси бор.  
Фақат сенда ўша ёшлик,  
Гүё йиллар қилмабди кор.

Боқий ёшлик сири қайда?  
Үкинч бордек сўроғингда.  
Юлдуз тўла ўтган тунлар  
Қораси бор қароғингда.

## СЕНСИЗ

Жамолингни күриб, ҳайрон  
Бўлиб қолсам, ажабланма.  
Тоҳир шу ҳол, Мажнун шу ҳол  
Утган бўлса, айт-чи, ман на?!

Ишқ — абадий! Ошиқлар-чи  
Келиб-кетар иарвон каби,  
Абадлик ишқ азобидан  
Дил ўтли, чанқоқ лаби.

Ёлғиз эдим узоқ дамлар,  
Йўқламасди қувонч, ғамлар.  
Менга эди ёт севгидан  
Дили ўтли, кўзи намлар.

Энди эса ўзим банди.  
Кўзим лолу, дилим беҳол.  
Умидимни сенга тикдим,  
Бахш айлагин менга висол.

## **СЕН КУЙЛАСАНГ**

Сен куйласанг маҳлиёман,  
Жон тасаддуқ, овозингга.  
Құлым құксимдадир дони,  
Әгиламан тавозега.

Үт тушгандай юрагимга,  
Эриб, зриб сел бұламан.  
Самовий ҳис, түйғуларга  
Дұст бұламан, эл бұламан.

Қүёш тұхтар күкда гүё,  
Булбуллар ҳам дам олади.  
Ҳар қандайин тошюрак ҳам  
Мижжасига нам олади.

Фақат куйла, тұхтамагин,  
Умрбоқий бұлсın қүшиқ.  
Юракларда завқ шароби  
Кечә-кундуз турсин жүшиб.

## РАФИКАМГА

Умр деган узун йұлни  
Бирға үтніб бормоқдамыз.  
Олдимизда ҳали йұл мұл,  
Ортимизда ортмоқда из.

Ақыл, иноқ құшни тортиб,  
Неки топсак үртамизды  
Худо берган беш күнликда  
Гоҳ сокин, гоҳ йұртамизыда.

Ешлик бизни тарқ этди деб,  
Қайғурма күп, күнгилдир ёш.  
Иккимизга битта дунә,  
Иккимизга битта қуёш.

Иккимизга битта тақдир,  
Бир ёстиқдек бошимизда.  
Севги қолар бизга содиқ,  
Юзға кирған ёшимизыда.

## АЧИНИШ

Сени севиб, ҳам севилиб дунёда.  
Топган бахтим ўзинг ахир, ягонам.  
Нега энди бошинг ҳаму, кўзинг — нам,  
Нега энди қувонч, сенга бегона?

Куни билан ёмғир ёғса ёғибди.  
Нега бундан сенга тундлик ёпишди.  
Кеч ҳам тушди, булутлар ҳам қолмади  
Тўлин ойдан оқшом сутдек ёришди.

Табиатга куз ташрифи оддий ҳол,  
Дилинг бундан ўкинмоғи равоми?  
Қор остидан бўй кўрсатган гул мисол.  
Севгидадир умримизнинг давоми.

## ЙИГИРУВЧИГА

Умр каби уаун иплар  
Құлинг билан йигирилган  
Хәётингдан алам оти  
Қайтмас қилиб чегирилган.

Фариштага монанд ҳунар,  
Дилни дилга боялагудек.  
Сенга дея деңқон бобом.  
Хирмонларни тоғлагудек.

Сен йигирған ипларингдек  
Узоқ бұлсın умр йүлинг.  
Орзуларинг билмасин чек,  
Дард күрмасин сира құлинг.

## ГУЛ ВА КҮНГИЛ

*Гулжонга*

Гулжон, яъни жон гулисаи.  
Күнгил учун очилган,  
Шоир тилим тўхтамасдан  
Мадҳинг қилгани қилган.

Гул — ҳаётнинг кўз қувончи.  
Жондек бизга арзанда.  
Гул қуёшнинг ва заминнинг  
Энг ардоқли фарзанди.

Аслида гап номда эмас,  
Тақдир ила толеда  
Мен умримни ҳис этмасман  
Гулдан холи ҳолида.

## ТОҒ ҚҮРКИ

Тоғ күркига тараф йүқ,  
Чүққилари ийнадек.  
Қори билан лол этар,  
Бамисоли сийнадек.

Шаршараси шифоли,  
Қиялари арчазор.  
Олислардан күз солиб  
Яшар унга барча зор.

Яйловида йилқини  
Кутар жаннат висоли.  
Ер ва осмон учрашар  
Тоҳир-Зуҳра мисоли.

## РАД ЭТИЛГАН СЕВГИ

Сендан қолди дилда дөр,  
Сен ўнги йўқ туш бўлдинг.  
Мени қўйвормас тузоқ,  
Сен-чи, эркин қуш бўлдинг.

Изингни излаб ўтгум,  
Васлингни кўзлаб ўтгум.  
Севгисига етолмай  
Ўтганлар юзлаб, ўтгум.

Сенсиз ўтман тутунсиз.  
Уchoқдайин ўтинсиз.  
Бахт дегани балиқдек  
Бўлди бизга тутумсиз.

Севганига етганлар,  
Ва беармон кетганлар.  
Бизга сира ўхшамас  
Уланларни битганлар.

## А Е Л

Аёлларни момо табнат  
Хаёт кўрки дея яратган.  
Зилол сувлар кўзгуси бўлиб,  
Осмонлардан ойни қаратган.

Моҳичеҳра, мунис аёллар  
Пари монанд турмуш зийнати  
Улардадир доим хаёллар  
Кўзим усти доим миннати.

Онамиз у, ёр ҳамда сингил,  
Учогимиз қўрига посбон.  
Ҳеч бўлмаган юклари ентил,  
Биз ёр бўлсак, улардир — Осмон.

Ҳаёт асли аёлга боғлиқ,  
Үйроқ бўлсин ёки хобида.  
Қуёш бўлар дунёда танҳо  
Аёлга мос мангубида.

## СЕН ТАНХО

Сенга етмоқ учун турли  
Иўллар босдим, ошдим давон.  
Хаёл сурдим нурли-нурли,  
Туйғуларим карвон-карвон.

Сен бир ўзинг эгалладинг  
Юрагимнинг бўю-энин.  
Юзлаб оққуш бўйинларни  
Бир карашма билан енгдинг.

Ўзинг танҳо маликасан,  
Кўнглимнинг оқ саройида.  
Бир сўзингга тенглашолмас  
Минг қонуну минг қонда.

Рақиба йўқ сенга бирор  
Пойингдадир мудом жойим.  
Сен мен учун бир умрга  
Кундуз — қуёш, тунда — ойим.

\* \* \*

Барча гуллардан аъло  
Мен суйган гул, чамамда.  
Ундан гўзалроғи йўқ  
Бу дунёи чаманда.

Ороланар кун сари,  
Хазон билмас япроғи.  
У кўзимни қувнатар  
Алам даф қилган чоғи.

Тупроқ ва сув балоси,  
Гўё кесакдан учқун  
Даҳри дундан розиман  
Унга дуч қилган учун.

## МУНДАРИЖА

### Турсунбай Адашбоев таржималари

Шоирнинг шеърият боғи . . . . .	3
Тасвир . . . . .	5
Яратганга илтижо . . . . .	6
Худо берса . . . . .	7
Сув ва имон . . . . .	8
Бир шайтон . . . . .	9
Оқиб турган сув дунё . . . . .	10
Кўнгилларни ранжитмай . . . . .	11
Дўстларим . . . . .	12
Норин дарё, Сирдарё . . . . .	13
Тошкентим . . . . .	14
Чироқ бўлиб . . . . .	15
Уш . . . . .	16
Жалолобод . . . . .	17
Эр йигитга . . . . .	18
Рафиқамга . . . . .	19
Шукрана . . . . .	20
От солишмай . . . . .	21
Уҳшайди . . . . .	22
Эрка бўлсам . . . . .	23
Орият . . . . .	24
Ажрашмоқлик . . . . .	25
Аҳиллик . . . . .	26
Қишлоғим . . . . .	27
Кўпчилик . . . . .	28
Яйловда . . . . .	29
Яхши дамлар . . . . .	30
Үй ташвиши . . . . .	31
Гувоҳ . . . . .	32
Меҳмондўст оғайнимга . . . . .	33
Тўқтағулни хотирлаб . . . . .	34
Тунгонилар . . . . .	35
Отбоши . . . . .	36
Яҳудийлар ҳақида . . . . .	37
Қизларга насиҳатим . . . . .	38
Тил бобида . . . . .	39

Таваккал . . . . .	40
Одам ёши . . . . .	41
Истагим . . . . .	42
Не гүзал . . . . .	43
Улай берса . . . . .	44
Оқин деган ким ўзи . . . . .	45
Құбизчи С. Тұхтаохуновага . . . . .	46
Күл бүйіда . . . . .	47
Асиллар . . . . .	48
Савол-жавоб . . . . .	50
Азизим . . . . .	51
Олтіндан қиммат . . . . .	52
Ойга менгзама . . . . .	53
Ұзинг . . . . .	54
Суратинг . . . . .	55
Аттанғ, бизнинг болалик . . . . .	56
Төғ оқшоми . . . . .	57
Аслида . . . . .	58
Оғир юк . . . . .	59
Ұзға дунё керакмас . . . . .	60
Иўқ дема . . . . .	61
Гул . . . . .	62
Барака . . . . .	63
Қайдә экан . . . . .	64
Бир күрганда . . . . .	65
Ұзим ҳақымда . . . . .	66
Ошигим бұл . . . . .	67
Үртани төглар тұсмаса . . . . .	68
Бедовларнинг күзінде қуёш қалқар . . . . .	69
Мен хаёлан . . . . .	70
Аррумоқ . . . . .	71
Яшил сурат . . . . .	72
Ҳаёт . . . . .	73
Армон . . . . .	74
Икки ёрти . . . . .	75
Ұшал сұзинг . . . . .	76
Ким билсін . . . . .	77
Биринчи . . . . .	78
Қарқира . . . . .	79
Төғнинг әрка шамоли . . . . .	80
Қирғизлар . . . . .	81
Ешлари бор . . . . .	82
Оққушнинг . . . . .	83
Гүзаллар . . . . .	84
Хулоса . . . . .	85

## Усмон Темур таржималари

Хаёт . . . . .	86
Бошдан ўтганлар . . . . .	87
Маслаҳат . . . . .	89
Асаддаги Иссиккүл . . . . .	90
Туйқусдан . . . . .	92
Оқбура . . . . .	93
Илтимос . . . . .	95
Тут . . . . .	96
Баҳор . . . . .	97
Соч ҳақида шеър . . . . .	99
Қиш бўсағасида . . . . .	100
Гўзаллар . . . . .	101
Хазон . . . . .	102
Мен бугун . . . . .	104
Яралса . . . . .	105
Саёҳат . . . . .	106
Кўчада . . . . .	107
Ез ёмғири . . . . .	108
Бу юракни . . . . .	109
Салом . . . . .	110
Булут . . . . .	111

## Турсунбой Адашбоев таржималари

Иzlайман . . . . .	112
Урганайлик . . . . .	113
Замонам . . . . .	114
Баъзи шоирларга . . . . .	115
Боридан йўғи яхши . . . . .	116
Ёшлик . . . . .	117
Баланд тепа . . . . .	118
Дунёпараст . . . . .	119
Оғри масин дилимиз . . . . .	120
Дилбарим . . . . .	121
Асрим . . . . .	122
Она қишлоқ . . . . .	123
Иилқичининг уйида . . . . .	124
Зерикмайман . . . . .	125
Ўз элингга ёқ . . . . .	126
Рашк балоси . . . . .	127
Булбул ва шоир . . . . .	128
Гўзалим . . . . .	129

Толас суви	130
Қайга оқар?	131
Абадий сир	133
Сўз ўтмас	134
Сирим бор	135
Китобхонга	136

### Оллоёр таржималари

Қайғу	137
Ховлинг	138
Севги	139
Чорлаш	140
Агар	141
Бир бор кўриб	142
Қизгина	143
Сен билан	144
Мўъжиза	145
Тулпорларим	146
Кизимга	147
Иқрорни тинглаб	148
Қайрурма	149
Лаҳзалик баҳт	150
Якка қайнин	150
Севги нима?	151
Синфдош қизга	152
Сенсиз	153
Сен куйласанг	154
Рафиқамга	155
Ачиниш	156
Йигирувчига	157
Гул ва кўнгил	158
Тор кўрки	159
Рад этилган севги	160
Аёл	161
Сен танҳо	162
Барча гуллардан	163

**Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти**

**Адабий-бадиий нашр**

**НОДИРБЕК АЛИМБЕКОВ**

**БИР ҚАМ ДУНЕ**

**Шеърлар**

*Мударрир Т. Адашбаев*

*Рассм Э. Абдурасулов*

*Расимлар мұхаррири М. Карпузас*

*Техн. мұхаррир Т. Смирнова*

*Мусаққыл Ш. Собирова*

**ИБ № 5637**

**Босмахонага 09.07.98 да берилди. Босишга 09.09.98 да рухсат өтілди. Бапчими 70×90 $\frac{1}{2}$ з. 2-нав босмахона қозози. Алабий тәрнитура. Юқори босма 6,14 шартты босма тобақ. 1,2 яниш босма тобағи. Жеми 3000 нұсқа. 1003 рақамлы буюртма. Бағасы шартында ассоцида. 3—98 рақамлы шартынса.**

**Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.**

**Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди. 700002, Тошкент, Сағбон, 1-берк кўча, 2-йй.**